

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

**Мактабгача таълимда хорижий
тажрибаларнинг қиёсий таҳлили**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**



ТОШКЕНТ-2021



Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: **Г.Ш.Ширбачеева** – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Сиртқи (махсус сиртқи) бўлими Мақтабгача таълим йўналиши ўқитувчиси

Тақризчилар: **М.Файзуллаева** – Мақтабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти “Замонавий педагогик технологияларни жорий этиш ва норматив методик таъминлаш” бўлими бошлиғи

Л.Р.Миржалолова – Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети “Мақтабгача таълим педагогикаси ва психологияси” кафедраси доценти, п.ф.н.

Хорижий эксперт: PhD доктори Франк Лапер - Pontet de Paris №10 университети (Париж).

Ўқув-услугий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.



МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	11
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	23
IV. АМАЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР	62
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	84
VI. ГЛОССАРИЙ	85
VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	91



I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Республикамизда таълим тизими доимо давлатнинг эътиборида бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида соғлом ва ҳар томонлама ривожланган авлоднинг шаклланишини таъминлашга қаратилган самарали мақтабгача таълим тизимини ташкил қилиш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда бу соҳа чуқур ислоҳ қилиниш ҳолатида.

Мустақиллик йилларида республикада таълимтарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Бироқ ўтказилган таҳлиллар мақтабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ва натижаси етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда».

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мақтабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мақтабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман (шаҳар)лардаги бўлимларини ташкил этиш вазифаси белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги, унинг ҳудудий бўлимларининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари қаторида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мақтабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 16 август куни бўлиб ўтган йиғилишда мақтабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди. Бу борадаги таҳлиллар натижасида қисқа вақтда ичида — Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3261-сонли Қарори, —Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ5198-сонли Фармони ҳамда —Мақтабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3955-сонли Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонга мувофиқ, замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мақтабгача



таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тақозо этади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Хорижий мамлакатларда мактабгача таълим тизими, таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги хорижий тажрибалар ва мактабгача таълимда кредит-модул тизими моҳиятини тушунтириб беришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- Хорижий мамлакатларда мактабгача таълим тизими. Мактабгача таълимни ривожлантиришга замонавий ёндашувлар. Европа ягона таълим муҳити (Болонья жараёни)да мактабгача таълим. Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари.

- Мактабгача таълимда кредит-модул тизими моҳияти. Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тадбиқ этилиши.

- Таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги хорижий тажрибалар.

- Мактабгача педагогика фанларининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар ва уларнинг муаллифлари фаолияти. Соҳа илмий мактаблари фаолияти. Илмий мактабларда эришилган ютуқлар. Мактабгача педагогика соҳасида яратилган янги ўқув ва илмий адабиётлар таҳлили бўйича маълумот беришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- мактабгача таълимни таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш сиёсатнинг мазмун-моҳияти тўғрисида;

- хорижий давлатларда мактабгача йўналишлари ва ундан кўзланган мақсадлар ҳақида;

- ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг глобаллашув шароитида таълим-тарбия тизими олдидаги вазифаларни билиши;

- хориждаги мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш бўйича фармон мазмун-моҳиятини ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- мактабгача таълим тизими муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини замон талаби нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

- давлат раҳбари томонидан мактабгача таълимни ислоҳ этиш бўйича белгиланган вазифаларни амалиётда қўллаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.



- республикада мактабгача таълим тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишига ўз муносабатини билдира олиш;

- хорижий мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларни амалиётга татбиқ этиш малакаларига эга бўлиши лозим.

- мактабгача таълимнинг кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш жараёнида фаол иштирок этиш;

- таълим-тарбия жараёнларига миллий манфаат нуқтаи назаридан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида хулосалар чиқара олиш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Мактабгача таълимда хорижий тажрибаларнинг қиёсий таҳлили модули назарий машғулотлар шаклида олиб борилади. Назарий машғулотларда хорижий давлатларидаги мактабгача таълим соҳасидаги долзарб муаммолар ва тизим фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини сингдиришдан иборат. Машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, —SWOTтаҳлил ёки —ФСМУ методлари билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларида фойдаланиш назарда тутилади.

Модулни ўқув режадаги бошқа блоклар билан боғлиқлиги ва узвийлиги Модул мазмуни ўқув режадаги — Мактабгача таълим фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаш модули билан узвий боғланган ҳолда касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади

Модулни услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модули Таълим-тарбия технологиялари ва педагогик маҳорат, Мактабгача ёшдаги болаларнинг физиологик ва психологик хусусиятлари ва Мутахассислик фанлари блокларидан аввал ўрганилади. Унда кейин ўрганиладиган блокларнинг мазмун йўналишларини ва ғоявий жиҳатларини мактабгача таълимга татбиқ этиш имкониятларини очиб беради.

Модулни таълимдаги ўрни

Тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг мактабгача таълим соҳасидаги долзарб муаммолар ва тизим фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган ислоҳотларнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий асосларини ўргатиш ҳамда амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Жами	Жумладан	
			назарий	амалий
1.	Хорижий мамлакатларда мактабгача таълим тизими	4	2	2
2.	Мақтабгача таълимни ривожлантиришга замонавий ёндашувлар.	4	2	2
3.	Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари.	4	2	2
4.	Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тадбиқ этилиши.	4	2	2
5.	Мақтабгача педагогика фанларининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар ва уларнинг муаллифлари фаолияти. Соҳа илмий мактаблари фаолияти. Илмий мактабларда эришилган ютуқлар.	4	2	2
6.	Европа ягона таълим муҳити (Болонья жараёни)да мактабгача таълим.	2	-	2
7.	Мақтабгача таълимда кредит-модул тизими моҳияти.	2	-	2
8.	Таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги хорижий тажрибалар.	2	-	2
Жами		26	10	16

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Хорижий мамлакатларда мактабгача таълим тизими.

Мақтабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш. Хорижий мамлакатлар таълим тизимидаги тажрибаси. Хорижий мамлакатларнинг мактабгача таълим тизимларини ўрганиш.



2-Мавзу: Мақтабгача таълимни ривожлантиришга замонавий ёндашувлар.

Мақтабгача таълим тизимида бошқарув механизми. Узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини – мақтабгача таълим. Республикамизда мақтабгача таълим ташкилотлари фаолияти.

3-Мавзу: Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари.

Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари Мақтабгача таълимда кредит-модуль тизими. Европа ягона таълим муҳити (Болонья жараёни)да мақтабгача таълим.

4-Мавзу: Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тадбиқ этилиши.

Жаҳон ҳамжамиятида таълимни ривожланиши. Ўзбекистондаги таълим тизими ҳолати. Хорижий давлатларда илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш.

5-Мавзу: Мақтабгача педагогика фанларининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар ва уларнинг муаллифлари фаолияти. Соҳа илмий мақтаблари фаолияти. Илмий мақтабларда эришилган ютуқлар.

Мақтабгача педагогика фанларининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар. Мақтабгача таълимида таълим-тарбия ишларни такомиллаштириш. Илмий мақтабларда эришилган ютуқлар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот: Хорижий мамлакатларда мақтабгача таълим тизими.

Мақтабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш. Хорижий мамлакатлар таълим тизимидаги тажрибаси. Хорижий мамлакатларнинг мақтабгача таълим тизимларини ўрганиш.



2-Амалий машғулот: Мақтабгача таълимни ривожлантиришга замонавий ёндашувлар.

Мақтабгача таълим тизимида бошқарув механизми. Узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини – мақтабгача таълим. Республикамизда мақтабгача таълим ташкилотлари фаолияти.

3-Амалий машғулот: Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари.

Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари Мақтабгача таълимда кредит-модуль тизими. Европа ягона таълим муҳити (Болонья жараёни)да мақтабгача таълим.

4-Амалий машғулот: Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тадбиқ этилиши.

Жаҳон ҳамжамиятида таълимни ривожланиши. Ўзбекистондаги таълим тизими ҳолати. Хорижий давлатларда илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш.

5-Амалий машғулот: Мақтабгача педагогика фанларининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар ва уларнинг муаллифлари фаолияти. Соҳа илмий мақтаблари фаолияти. Илмий мақтабларда эришилган ютуқлар.

Мақтабгача педагогика фанларининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар. Мақтабгача таълимда таълим-тарбия ишларни такомиллаштириш. Илмий мақтабларда эришилган ютуқлар.

6-Амалий машғулот: Европа ягона таълим муҳити (Болонья жараёни)да мақтабгача таълим.

Европада ягона касбий таълим маконини яратилиши. Тизимнинг умумий асосларида Болонья жараёни. Модул-кредит тизими муайян тамойиллари.

7-Амалий машғулот: Мақтабгача таълимда кредит-модул тизими моҳияти.

Таълим тизимида мақтабгача таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим йўналиши ва



хориж давлатларида муқобил таълим йўналишларида педагогика фанлари туркумига кирувчи ўқув фанлари ўқитилишининг қиёсий таҳлили

8-Амалий машғулот: Таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги хорижий тажрибалар.

Хорижий мактабгача таълим тизимидаги асосий тушунчалари. Хорижий давлатлар сиёсати тавсифи.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади: - маъруза машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш); - давра суҳбатлари (таълим соҳасидаги ислохотлар бўйича таклиф бериш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш); - баҳс ва мунозаралар (мактабгача таълим тизими ривожини бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).



II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Машғулотда жараёнида қўлланиладиган «Ақлий ҳужум» усули

Ақлий ҳужум	- (брейнсторминг – мия бурони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йиғиш
Усулни асосий ғояси	- ғоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб борувчининг хатти-харакати учун бу ғоя асосий кўрсаткич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ғоялар таклиф қилишга ундайди.
Қоидалари	Имкони борича кўпроқ ғояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни доскага ёзиб қўйиш.
Таълим берувчи	Қатнашчиларни 3-4 гуруҳга бўлади ва ҳар бирига муаммолар таклиф этади (Илова 1) - Иштирокчиларни қўллаб-қувватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ха-йўқ сўзлари билан); - юмшоқ, аммо астойдил талабаларни бошқаларни танқид қилишдан кайтариб туради; - ҳар бир фикрни ўзгартирмасдан доскага ёздириб қўяди; - талабаларни сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тускинликни йукотиш учун, олдинги ёки шу дарсдан кутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказди (блиц сўров) (Илова 2).
Фидбэйк	-ҳар бир ғояни муҳокама қилиш; -ЭНГ тўғри ғояларни қўллаб-қувватлаш

Ақлий ҳужумнинг мақсади ва қоидалари

Ақлий ҳужумни ўтказишдан мақсад:

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни топиш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлилигига қараб тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- кутилмаган ғояларни пайдо бўлиш жараёнини намоёйиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Ақлий ҳужум қоидалари:

- ғояларни илгари сурилиши босқичида танқид тақиқланади;
- оригинал ҳатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади;
- барча ғоялар ёзиб борилади ёки қайд қилинади;
- агар маъқул топса муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб боради;
- “ақлий ҳужум” методида қатнашчилар бир-бири билан юридик ва маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлмаслиги зарур;
- таҳлилчилар гуруҳи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қилади, синтез қилади, баҳолайди ва танлайди;
- ушбу тадбирни ўтказишда Кейнснинг “ иқтисодчилар адашсалар ҳам уларни ғояси келажак учун хизмат қилади” деган қоида­сига амал қилиш.

Натижа:

- талабалар томонидан муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга эришилади;
- вақт ажратилади ва қилинади;
- ҳар бир талаба фаолликка интилади;
- уларда эркин фикрлаш лаёқати шаклланади.

“SWOT-таҳлил” методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)

- кучли томонлари

W – (weakness)

- заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunity)

- имкониятлари

T – (threat)

- тўсиқлар



Намуна: Мақтабгача таълим тизимнинг кечаги ва бугунги ҳолати масаласида “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

С	Республикада мақтабгача ёшдаги болаларни мақтабгача таълим муассасаларига қамрам олиш кўрсаткичи 27 фоизни ташкил этади.	Мақтабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислох қилиш, мазкур муассасаларга болаларни 100 фоиз қамраб олишга қаратилган
W	Мақтабгача таълим муассасаларида моддий-техник базанинг ночорлиги, малакали кадрлар етишмаслиги, сифатли озиқ-овқат таъминотининг пастлиги.	Ушбу соҳада ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган 57 мингдан ортиқ мутахассислар меҳнат қилаётган бўлса, шундан 85 фоизини ўрта маълумотли кадрлар ташкил этади.
О	Мақтабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Шу боис болаларнинг соғлом ва билимли, етук кадрлар бўлиб вояга етишида боғча тарбияси жуда -муҳим ўрин тутади.	Мақтабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, МТМлар инфратузилмаси ва моддий-техник таъминотини яхшиланади.
Т	Сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мақтабгача таълим муассасалари 45 фоиздан зиёд роқ камайган.	Келгуси беш йилликда 2200 та мақтабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласи охирига етказиш.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” дастури”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.




“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи

“КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ” МЕТОДИ - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

**"ХУЛОСАЛАШ" (Резюме, Веер)
методи**

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:

Иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



Машғулотнинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



Ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



Нвбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

**“Пинборд” методи**

Пинборд (инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув суҳбатини амалий усул билан мослашдан иборат. Муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш ва гуруҳлаштириш (классификация)ни амалга оширишга, жамоа тарзда ягона ёки аксинча қарама-қарши позицияни шакллантиришга имкон беради.

Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий ҳужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради). Фикрларни таклиф қиладилар, муҳокама қиладилар, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар.

Ўқитувчи билан биргаликда флипчарт (махсус доска ва махсус қоғоз ёпиштириш имконини берадиган скотч) ёрдамида фикрлар жамланади, классификация қилинади, муҳокамада эса оптимал ечимлар бўйича аниқланади.

Гуруҳ намоёндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

1) яққол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;

- 2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадидилар;
- 3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларини аниқлайдидилар;
- 4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз ва варақларидаги) гуруҳларга ажратадидилар;
- 5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадидилар: жамоанинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқилади.

Маданият

моддий маданият	маънавий маданият



"Тушунчалар" методи

Методнинг мақсади: мазкур метод Тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадидилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: "Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили"



"Ҳамкорликда ўқитиш" методи



Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси – бирор нарсани бирга бажариш эмас, балки ҳамкорликда ўқиш, ўрганишдир!

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги:

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради. Бу кўникмалар ҳамкорликда ўқиётганларда бири-бири билан рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга қараганда яхшироқ ривожланган. Хаттоки, ҳамкорликда бажарилган ёзма ишлар чуқур мазмунга эгаллиги билан фарқланади.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари бетакрор ғояларни кўпроқ ишлаб чиқади, турли мақсадларга эришишда ва дарс жараёнида пайдо бўлган ҳар хил ўқув масалаларининг янги ечимларини топишда ижодий қобилиятлар ривожланиб боради.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади. Бугун гуруҳ бажарган топширикни эртага ҳар тингловчи мустақил бажара олиши мумкин.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади. Ҳамкорлик билимларга кўпроқ қизиқиш учун ҳам шароитлар яратади. Машғулот ўтказиш усули қанчалик такомиллашган бўлса, тингловчиларнинг ўрганилаётган масалага қизиқиши ва фаолли ортиб боради.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфланади. Ҳамкорликда ўқиётганлар топшириқларни бажариш учун рақобат қилаётган ёки индивидуал ўқиётганларга нисбатан кўпроқ вақт сарфлайдилар.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий афзалликлари:

- ҳамкорликда ўқиётган тингловчилар бир-бирининг муваффақиятига кўмаклашади;

- ёрдам ва мадад берадилар ва ёрдамни қабул қиладилар, гап фақат ўқиш тўғрисида эмас, балки инсоний, дўстона муносабат тўғрисида кетаяпти;

- ахборот ва “моддий ресурслар”, яъни топширикни бажариш учун зарур бўлган барча нарсалар билан алмашади;

- ўртоқлари берган маълумотларни ўзлаштиради ва қўллашга ҳаракат қиладилар. Оғзаки тушунтиришлар, ахборотни ўйлаб кўриш ва умумлаштириш, ўз билимлари ва кўникмаларини бошқаларга узатиш – буларнинг ҳаммаси билимларни тартибга солиш, уларни яхшироқ англаб ўзлаштириш ва умумий мақсадга эришишга шахсий улушини қўшишга олиб келади;

- тингловчилар бир-бири билан музокара олиб боришга ва далиллар келтиришга ўрганади. Интеллектуал майдондаги зидликлар қизиқувчанликни ривожлантиради, билимларни ўзлаштириш ва уларни қайта англаш, ўрганилаётган муаммога чуқурроқ киришишга ундайди ҳамда бошқа кўп фойдали сифат ва кўникмаларни шакллантиради;



- тингловчилар яхшироқ ўқишга интилишда бир-бирига қўмаклашади. Ўқишда ўртоқларига ёрдам бераётган тингловчи ўзи ҳам сезиларли даражада яхшироқ ўқийди;

- бир-бирига таъсир этади. Ҳамкорликда ўқиётган гуруҳ аъзолари ўртоқларига таъсир этишнинг ҳар қандай имкониятидан фойдаланадилар ва ўз навбатида таъсир учун очиклар;

- аниқ ифодоланган мотивацияга эга. Билимларни ўзлаштиришга интилиш умумий мақсадга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги меҳнат туфайли кучаяди;

- ўзаро ишонч шароитини яратади ва талабларни юқори даражада ушлаб туради. Гуруҳ аъзолари ўз ўртоқларига ишонадилар ва ўзларини ўртоқлари ишончини қозонадиган тарзда тутадилар, бу катта муваффақиятларга эришиш учун шароитлар яратади. Ўзаро ишонч – ҳар бирининг юқори ютуқлари учун яхши асос.

Ҳамкорликдаги ўқиш тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- гуруҳга битта топшириқ;

- битта рағбат: гуруҳ барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гуруҳ аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гуруҳ (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг ҳиссасига боғлиқ;

- ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гуруҳнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулияти;

- ҳамкорликдаги фаолият: гуруҳий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;

- муваффақиятга эришишда тенг имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштириш, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишга берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан тенг баҳоланади.

Гуруҳда ишлаш қоидалари:

Ҳар ким ўз ҳамкасблари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур;

Ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилган топшириққа масъулиятли ёндашиши зарур;

Ҳар ким ёрдамга муҳтож бўлганда уни сўраши зарур;

Ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилиши зарур;

Ҳар ким гуруҳ ишини натижаларини баҳолашда иштирок этиши зарур.

- Бошқаларга ёрдам бериб, ўзимиз тушунамиз!



- Биз битта кемадамиз: ёки бирга сузиб чиқамиз, ёки бирга чўкиб кетамиз!

Гуруҳда топшириқни бажариш йўриқномаси:

1. Гуруҳ лидерини сайланг.
2. Топшириқ билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни муҳокама қилинг.
3. Топшириқни бажаринг.
4. Тақдимотга тайёрланинг.
5. Тақдимот ўтказинг.
6. Гуруҳ ишини баҳоланг.

1-босқич

Гуруҳ иш жойини тайёрлаш – стол ва ўриндиқлар шундай жойлаштириладики, бунда таълим берувчи аудиторияда эркин ҳаракатлана олсин, ҳар бир гуруҳ аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини кўришлари ва эшитишлари керак, зарур ўқув қўлланмалар барчага етарли бўлиши керак.

2-Асосий босқич

1. Таълим олувчиларни гуруҳларга тақсимлаш – танланган кичик гуруҳларга бирлаштириш йўли асосида таълим олувчиларни гуруҳларга бўлади.

2. Ўқув топшириқларини тарқатиш – муаммоли вазиятни таклиф қилади, таълим олувчилар билан биргаликда уни эчиш йўли ва тартибини муҳокама қилади, гуруҳларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қилади. Ҳар бири ва бутун гуруҳнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.

3. Ўқув топшириқларни бажариш бўйича йўриқномани тушунтириш. Гуруҳлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарқатади. Топшириқни баажаришда қандай қўшимча материалларидан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади.

Доскада гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзади ёки тарқатади.

4. Таълим олувчилар билан қайтар алоқани амалга ошириш Таълим олувчилар билан гуруҳли ишни бажариш бўйича йўриқномани муҳокама қилади; ҳаммалари уни тушунганларига ишонч ҳосил қилади.

5. Гуруҳларда ўқув топшириқни бажариш жараёнини ташкил этиш – ўқув топшириқни бажариш бўйича ишни бошланиши ҳақида эълон қилади; Гуруҳ ишини назорат қилади. Гуруҳ ишини режалаштириш, вазифаларни гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимлаш, вазифани бажариш бўйича яқка тартибда ишлаш, яқка тартибда топилган ечимларни муҳокама қилиш, гуруҳ учун умумий ечимни



ифодалаш, гуруҳ иши натижаларини тақдимотини тайёрлаш, аниқ топшириқни баажариш учун зарур бўлган алоҳида бўлиб ишлашга, кўникмаларни шакллантиришга эътиборини қаратади. Иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим аниқ, ва самимий танбеҳ қилади.

6. Гуруҳ иши тақдимотини ташкил қилиш – бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гуруҳ вакилларини тайинлайди. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини эслатади.

3-Назорат –якуний босқичи

Якун ясаш – натижалар текширувини ўтказди: гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади; Гуруҳ ишини таҳлил қилади, топшириқ бажарилишининг якунини қилади, эришилган мақсад тўғрисида хулосалар чиқаради.

Ҳамкорликда ўқитишнинг самарадорлиги

1. Ахборотга танқидий ёндашув ва ўз нуқтаи назарини далиллар билан асослашни шакллантиради.

2. Ижодий қобилиятлар ривожланади.

3. Бир вазиятда олинган билимлар бошқа вазиятда қўлланишига кўмаклашади.

4. Дарс мазмунига ижобий ёндашув шакллантирилади.

5. Топшириқларни бажариш учун кўпроқ вақт сарфини талаб этади.



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

Мавзу 1: Хорижий мамлакатларда мақтабгача таълим тизими.

Режа:

1. Мақтабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш
2. Хорижий мамлакатлар таълим тизимидаги тажрибаси
3. Хорижий мамлакатларнинг мақтабгача таълим тизимларини ўрганиш

Таянч тушунчалар: мақтабгача таълим, мақтабгача таълим ташкилоти, хорижий тажриба, педагогик фаолият, ўқув дастури, замонавий усуллар, мақтабгача ёшидаги болалар, тарбиячи, ўқув жараёни

1. Мақтабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида такидлаганидек, «Аввалги учрашувларда таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усулларини, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар аҳволи танқидий таҳлил қилиб берилган эди. Бу борадаги долзарб вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга эга экани сабабли ушбу соҳадаги ишлар шахсан Бош вазирга юклатилган. Сизнинг эътиборингизни қуйидаги вазифаларни амалга оширишга қаратаман. Биринчи вазифа – мақтабгача таълим соҳасида». Мазкур вазифани бажариш борасида жорий йил мобайнида мақтабгача таълимни узлуксиз таълим тизимининг ажралмас, бирламчи бўғини сифатида такомиллаштириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мақтабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълимтарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш



чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сон қарори қабул қилинди. Шу қарор билан тасдиқланган «Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур»нинг асосий мақсадли вазифалари ва йўналишлари қаторида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш белгиланган.

Қарорга кўра, Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия ташкил этилган ҳамда унинг асосий вазифалари қаторида қуйидагилар белгиланган:

- мактабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, сифатли мактабгача таълимни ташкил этишда давлат талабларини қайта кўриб чиқиш;

- мавжуд амалиёт ва илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3261-сон қарори. // «Халқ сўзи», 2017 йил 11 сентябрдаги сони. Мактабгача таълим муассасаларининг давлат ва нодавлат тармоқларини янада кенгайтириш, давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш шароитларини яратиш, давлат ва хусусий сектор шериклиги шартларида мактабгача таълим муассасаларининг янги шакллари жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-3305–сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга берилган шарҳда таъкидланганидек: «... бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш, мактабгача ёшдаги болалар қамровини ошириш, илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратиш масаласи долзарблигича қолмоқда»². Мазкур қарорда мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қарорда кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган, шу жумладан, педагог ва раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш жараёнини самарали ташкил этиш, бунда замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш, таълим муассасаларини юқори малакали, замонавий билимга эга кадрлар билан таъминлаш белгиланган.



Мақтабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мақтабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида республикада таълимтарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Бироқ ўтказилган таҳлиллар мақтабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ва натижаси етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

2. Хорижий мамлакатлар таълим тизимидаги тажрибаси

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мақтабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мақтабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман (шаҳар)лардаги бўлимларини ташкил этиш вазифаси белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари қаторида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мақтабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш белгиланган. Қуйида бир нечта хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил этилган.

Таълим доирасидаги давлат сиёсати мамлакат конституцияси ва таълим тўғрисидаги қонунида ўз аксини топган гуманизм ва демократия ғоялари асосида қурилган. Бу ҳужжатларда таълим инсонни давлат, жамият ва шахснинг ўз манфаатига мақсадли йўналтирилган ўқитиш ва тарбиялаш жараёни эканлиги тўғридан-тўғри кўрсатилган. Россия таълимининг таркибини ўқув дастурлари ва турли поғонали давлат стандартлари ҳамда йўналишлари, шунингдек бошқарувчи ташкилотлар – таълим тизимидан ташқари ва таълим тизимига бўйсунувчи муассасалар ташкил этади. Мақтабгача таълим Россия Федерацияси ўқитиш тизимининг биринчи поғонасидир. Энг кичик ёшдаги болалар учун ҳам таълим олиш имкониятини бериш ғояси 1918 йилда «Ягона меҳнат мактаби тўғрисидаги Низом» вужудга келгандан сўнг пайдо бўлган. Низом қабул қилинган кундан бошлаб ҳар бир бола туғилганидан бошлаб ўқиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкинлиги қафолатланган. Бугунги кун таълим стандартлари «Болалар ҳуқуқлари халқаро Конвенция»сида ифодаланиб, унда қуйидагилар таъкидланади:

- болалар таълим олиш масканларига қатнаш имкониятига эга бўлишлари керак;
- катталар болаларга ўқиш фаолияти учун шароит яратиб беришлари лозим;



- таълим ўз ичига кичик одамни жамият доирасида ўз ҳаётини тушуниб етишга тайёрлаш учун барча керакли шароитларни қамраб олган бўлиши зарур;
- ўқув жараёни қатнашчиларининг ўзаро ҳаракатлари болани ҳурмат қилишни ифодалашга асосланган бўлиши керак.

Бундай ёндашув инглиз таълими тарихига асосланиб, унинг ривожига Руссо, Фребель, Монтессори таъсир кўрсатганлар. Улар боланинг индивидуаллигини ривожлантириш ва мустақиллигини ҳимоя қилиш керак, деб ҳисоблаганлар. Мактабгача тарбиянинг асосий мақсадлари: ҳар бир боланинг эҳтиёжи ва унинг манфаатларини қондириш, болалар ўртасидаги фарқни ҳурмат қилиш. Бунда бола ўқиш учун ички интилишга эга, қизиқувчан ва табиатан серғайрат, деб тахмин қилинади. Ўқитиш боланинг ўзи таклиф қилган ўйин давомида олиб борилиши керак. Устознинг асосий вазифаси болага уқтириш йўли билан эмас, балки ўйинни қўллаб туриш, унга тадқиқот ўтказиш учун турли материаллар тақдим этишдан иборат. Буюк Британиянинг мактабгача таълим тизимини ўрганиш бўйича Ю.Квонг катта тадқиқот ишларини олиб борган. У болалар боғчалари ходимлари ва ота-оналар ўртасида сўровномалар ўтказган, болалар боғчалари фаолиятини кузатган. Тадқиқот ўтказиш учун эркин равишда 10 та мактабгача таълим муассасаси танланиб, улардан ҳар бирининг икки гуруҳида мунтазам беш кунлик узлуксиз кузатув олиб борилган. Инглиз болалар боғчалар гуруҳларида 25 нафардан ортмаган миқдорда бола тарбияланади (тарбиячилар ва болалар сони бирга ўн нисбатда олинади).

Натижаларнинг кўрсатишича, инглиз педагогларининг 75 фоизи болаларни таълим олишга қизиқтириш учун ташқаридан мотивация қилишни номаъқул деб ҳисоблайдилар (масалан, болалар ўртасида мусобақаланиш шаклини). Бундай позиция негизида илмий асосланган маълумотлар ётади. Масалан, М.Леппер ва Д.Грин тадқиқотларида мактабгача ёшдаги болаларни расм чизиш (болалар бунга жуда қизиқадилар) учун мукофотланганлари мисоли келтирилган. Шундан сўнг болалар бўш вақтида ўзича расм чизишни хоҳламай, фақат мукофот учун расм чизишни истаб қолганлар. Бошқача қилиб айтганда, болаларда ички мотивация йўқолиб, унинг ўрнини ташқи мотивация эгаллаган. Инглиз болалар боғчасида болалар узоқ муддат мустақил шуғулланидилар, тарбиячи эса уларни четдан кузатиб боради. Умумий вақтнинг фақат 15 фоизи педагог раҳбарлигида гуруҳ кўринишда ўқитишга ажратилади. Бундай ўқитиш ривожланиш даражаси бир-бирига тенг болалардан тузилган кичик гуруҳларда ўтказилади. Шу йўл билан мактабгача ёшдаги болалар ривожланишини инобатга олиш қондаси амалда қўлланилади. Деярли ҳамма тарбиячилар болаларнинг ҳам ривожланиши, ҳам руҳий шаклланиши даражаси диагностикаси учун мазмуний-ролли ўйинлар, расм чизиш ва нарсалар ясаш усулидан фойдаланиш керак, деб ҳисоблайдилар. Амалда инглиз болалар боғчаларида (амалдаги тил ва математика бўйича



мажбурий машғулотлардан ташқари) сув, қум билан ўйинлар ва ҳаракатли ўйинлар орқали тадқиқот фаолиятига катта аҳамият берадилар. Мазмуний-ролли ўйинларга педагогларда деярли вақт қолмайди. Қандай қилиб тарбиячи бўлиб ишлаш мумкин?

Болалар боғчасида ишлашга руҳсат олиш учун алоҳида тегишли тайёргарлик қилиш лозим. Бу тайёргарлик ё уч йил асосий ва бир йил қўшимча ўқишдан ёки тўрт йил турли таълим тузилмаларда таҳсил олишдан иборат. Тарбиячиларнинг атиги 20 фоизи бакалавр мақомига эга. Педагог ёрдамчиси ёки энага бўлиш учун махсус 15 соатлик тайёрлов дастури ўқишлари керак. Бундай ўқишни ҳозирги кунда кўпайиб бораётган таълим ассоциацияларида ўташ мумкин. Буюк Британиядаги мутахассислар тайёрлаш тизимининг шубҳасиз афзаллиги унинг юқори даражада амалиётга қаратилганлиги. Бу борада 50 фоиз машғулотлар мактабгача таълим муассасаларида ўтказилади (қиёслаганда Испанияда бу кўрсаткич 12 фоизни, Италия ва Данияда 20 фоизни, Франция, Бельгия ва Нидерландияда 25 фоизни, Германия ва Швецияда 30 фоизни ташкил этади). Мутахассисларнинг баҳолашича, Буюк Британияда мактабгача тарбия муассасаларида яқин 10 йил ичида иш жойлари 250000 тага кўпаяди. Ота-оналарга ёрдам. 1997 йилда Буюк Британияда кам таъминланган оилалар болаларига йўналтирилган эрта қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш дастури жорий этила бошланди. Бу марказлар болани парваришлаш ва ўқитиш учун барча зарур хизматларни амалга оширади ва бу жараёнга ота-оналар ҳам жалб этилади. 1998 йилда бундай марказлар сони 11 та эди, 2001 йилга келиб уларнинг сони 35 тага етди, бугунга келиб эса 100 дан ортиқ.

Бундай муассаса қандай ишлашини яхшироқ тушуниш учун, шундай марказ раҳбарларидан бири фикрини келтириш ўринли. Унинг айтишича, ижтимоий паст табақага мансуб ёш она фарзандини илк бор марказга олиб келганида бола учун барча қулайликлар муҳайё бўлган, болалар учун юмшоқ мебелдан тортиб ўйинчоқларгача бўлган барча зарур нарсалар билан таъминланган тиббий пункт мавжуд. «Биз ота-оналар ҳақида ҳам унутмаймиз, болалар мутахассислар кўригидан ўтгунга қадар, кўнгилли ёрдамчилар мамнуният билан ота-оналарга қаҳва дамлаб беришади, психологик ёрдам кўрсатишади ёки бирор-бир фильм томоша қилишни таклиф этишади. Она бошқа ота-оналар билан суҳбатлашиши, марказ қошидаги Очiq университетдаги машғулотларга қатнашиши мумкин». Марказимиз ота-оналарга турли хизматларларни таклиф этади – ўйинчоқлар «кутубхонаси» (унга ота-оналар мудирлик қилишади), ажрашган ота-оналар гуруҳи, 3 ёшгача бўлган болаларни парваришлаш гуруҳи, 3-5 ёшдаги болалар гуруҳи. Оналарнинг 85 фоизи ва оталарнинг 60 фоизи бола ривожланишини ўрганиш гуруҳларида қатнашадилар. Бола билан қандай шуғулланиш керак ва уни қандай яхшироқ тушуниш мумкинлигини билиш учун ота-оналар

машғулотлар видоезувларини кўрадилар ва ота-оналарга берилган «уй вазифаларни» таҳлил қилалар», дейди марказ раҳбари.

Япон оилаларида одатда бола ҳеч қачон жазоланмайди ва унга «йўқ» дейилмайди. Бунинг ўрнига оилада – бу ҳаракатингдан ота, она ёки яна бирор кимса ранжиши мумкин, деган ибора ишлатилади. Шунга ўхшаш, тарбиялаш мақсадида, болага бундай ишинг кимгадир ёқмайди, дейиш ҳам мумкин. Ва бу «кимдир» бу японнинг бутун ҳаёти давоми унинг ёнидалиги хис этилади, ва японлар учун жамоат фикри жуда муҳим. Оиладаги асос солинган тарбия асослари болаларнинг жамоавий ҳамкорлиги шароитида ривожлантирилади. Тарбиячи болаларга ўзаро муносабатда бўлишни ўргатиш жараёнида алоҳида кичик гуруҳлар – «хан» тузади. Бу гуруҳларда болалар ўзаро фикр алмашиш ва мустақил бўлиш кўникмаларини ўрганишади. Болаларга гуруҳдаги бошқа қатнашчиларнинг фикрига қулоқ солиб, ҳисобга олган ҳолда ўз фикрини билдиришга ўрганадилар. Болалар ўз гуруҳларида ўзлари қулайликлар ва тартиб яратадилар, йиғиштириб гулларни парвариш қиладилар, хатто мустақил равишда ўзларига овқат ҳам тайёрлайдилар. Шу йўл билан болаларни гуруҳларда ҳаракат қилишга ўргатадилар. Болаларнинг ўртасидаги келишмовчиликлар ёки ёқалашилар пайдо бўлганда тарбиячи дарров аралашиб, ўртага тушмайди, чунки боланинг ўзи келишмовчиликни хал қила билишни ўрганиши керак ва бу унга кучлироқ бўлишда ёрдам беради.

Японияда мактабгача тарбия жараёнида тезтез тарбиячи ва гуруҳлар ўзгартириб турилади. Бу болани бир хил одамларга, бир хил шароитга ўрганиб қолмай жамиятда яшашга ўргатиш учун зарур. Болалар мактабда ёзишни, ўқишни ўрганадилар, лекин болалар боғчасига қатнашдан асосий мақсад болани ижтимойлаштириш. Уни гуруҳларда яшаш, гуруҳ манфаатлари билан яшашга ўргатишдир. Японияда мактабгача тарбия бешта йўналишни ўз ичига қамраб олган, булар: – ижтимоий муносабатлар; – саломатлик, ҳавфсизлик; – тил; – атроф муҳит; – ҳис-туйғуларини ифодалаш. Мактабгача ва мактаб таълими соҳалардаги бундай давлат сиёсатига туфайли япон болаларига спорт билан шуғулланиш ва чиниқиш кўникмалари сингдирилади. Тез-тез Япония кўчаларида октябрь ойида боғча рангидаги калта шим кийган болаларни учратиш мумкин. Бу болаларда совуқ кунларда оёқ яланг юриш кўникмаларини сингдиришни амалиётдан дарак беради. Болаларга оилада ва жамоатда муомала қилишни, ўзига ишонишни, янги кўникмаларни эгаллашга, халқ эртақларини ва китобларни ўқиб тилга ва маданиятга ўргатадилар.

Япониядаги мактабгача тарбия тамойиллари – соғлом, мустақил, ҳар тамонлама ривожланган, билимга эга ва ўз маданияти ҳамда Ватанини севувчи жамият аъзосини яратишга қаратилган. Болалар боғчаларидаги машғулотлар. Болалар боғчаларида таълим дастурлари ҳам инobatга олинган, ёзиш ва ўқишдан

ташқари болаларга қўшиқ айтиш ўргатилади, спорт мусобақалари ўтказилиб, мунтазам сайрларга (походга) чиқиб турилади. Аммо булар билан бир қаторда бу тадбирларни ўтказилишидан мақсад - болада ҳамжиҳатлик, жамоада яшаш ҳисларини ривожлантиришдан иборат. Қўшиқ айтилса, хор (жамоада) айтилиши керак, яккахон қўшиқчи қўлланилмайди, мусобақа ўтказилаётганда ёки ҳамма ёки гуруҳ ғолибликка эришилади, ва мутлақо якка ғолиб эмас. Жамоа билан мунтазам равишда бир кунлик сайрга чиқишдан мақсад болани чидамликка ўргатиш ва ўзи атрофидаги ҳудудни ўрганиш. Япон болалари табиатни жуда севадилар ва чуқур ҳис этадилар. Балким, айнан шунинг учун ҳам Японияда турли дарахтлар, табиат ҳодисаларига бағишланган миллий байрам ва фестиваллар кўп бўлса керак.

Ёшлиқдан гўзалликни севишни ва табиатни ҳис этишни ўргатилган япон болалар бу туйғулар билан умрбод яшайдилар. Болаларни тарбиялашдаги бундай ижобий қарашлар билан бир вақтда, давлатдан ташқарида Японияда жамоавийлик ҳислатлари жуда ривожланиб, шахсият тушунчаларини инкор этилади фикрлар тарқалган. Ўзини шахс сифатида намоён этадиган инсон Япония жамиятида қўллаб қувватланмайди. Лекин бу Японияда ҳамма бирдек ҳисобланиб, шахсият инкор этилади дегани эмас. Япония ёшларини фотосуратларини кўрсангиз у ерда етарлича ранг-баранг, ўзига ишонган йигит-қизларни кўрасиз, лекин улар гуруҳ бўлиб яшайдилар ва бу уларнинг улғайишларидаги маълум поғона демакдир.

Мақтаб ва институтларни тугатган ранг-баранг ва ўзгача фикр юритувчи ёшлар қонунларга итоат этувчи ва меҳнатсевар япон фуқаролари қаторига қўшилиб кетадилар. Хулоса тариқасида айтиш жоизки хорижий мамлакатларнинг мақтабгача таълим тизимларини ўрганиш, уларнинг илғор тажрибасини таҳлил этиш ва республикамиз шароитига мослаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мамлакатимиз мақтабгача таълим тизимини такомиллаштириб замонавийлаштиришга имкон яратади.

3. Хорижий мамлакатларнинг мақтабгача таълим тизимларини ўрганиш

Россиядаги мақтабгача таълим тизими доимо ўзгарувчан ҳолатда бўлиб, у мунтазам равишда янгиланади, кўринишини ўзгартиради ва мукаммаллашиб боради. Бола учун илк устозлар унинг ота-онаси ҳисобланади. Улар болаларни гўдаклигидан жисмонан, интеллектуал ва ахлоқ масалаларида тарбиялашлари лозим. Мақтабгача тарбия муассасалари (МТМ) фаолияти оилаларга билим олиш ва тарбиянинг кейинги босқичида ёрдам беришга қаратилган. Айрим мутахассислар болалар боғчаларига ҳожат йўқ, мақтабгача тарбия эса тўлиқ отаоналар зиммасига юклатилсин ва уларнинг ўзлари болани 1-синфга қаерда ва

қандай қилиб тайёрлаш йўлини ҳал қилсинлар, деб таъкидлайдилар. Лекин статистик маълумотларга кўра, МТМлар хизматидан аксарият ота-оналар фойдаланадилар. Шунинг учун таълим тизимини ривожлантириш стратегияси келажакда Россия мактабгача тарбия модернизациясини биринчи даражали масалаларидан бири деб белгилайди. Намунавий низомларга биноан, болалар таълим муассасалари беш турга бўлинади: – ривожланишнинг бир-икки йўналишини амалга оширишни муҳим деб билган болалар боғчалари; – психикаси нормадан оғиб кетган болаларни малакали коррекциялашга қаратилган компенсацияловчи турдаги боғчалар; – тарбиячи назорати остида болалар билан соғломлаштириш машқлари ўтказиб бориладиган болалар боғчалари; – ўз ҳудудида умумий ривожланиш, соғломлаштириш ва компенсацияловчи гуруҳлар турли вариантларда жамланган болалар боғчалари; – болаларни эрта ривожлантириш марказлари – кичкинтойлар соғломлашиши, янги билимлар ва қобилиятларни эгаллаши, руҳий мадад олиши мумкин бўлган болалар боғчалари.

Шундай қилиб, мактабгача таълим тизими кўп функционаллик, ранг-баранг режалаштириш, устувор ривожлантириш йўналиши ва турли дастурлашни аниқлаш эркинлиги билан ифодаланади. Россиянинг мактабгача таълим тизими «Ўқув жараёни модернизацияси Концепцияси» га асосланган. Бу концепцияда таълимнинг сифат кўрсаткичларини таъминлашга муҳим аҳамият берилган. Бу ҳужжат таълим тўғрисидаги қонунга, Россия Федерацияси Конституциясига, МТМ тўғрисидаги Намунавий низомларга ва Таълим вазирлигининг бошқа қарорларига асосланган. Бу Концепцияда алоҳида ташкилотларнинг фойдали таърибаси асосида ўқитиш мазмунини янгилаш кераклиги ҳақида сўз юритилади. Назарий тадқиқотларнинг кўрсатишича, мактабгача таълим мазмунини тўлдиришга стереотип ёндашишларни ўзгартириш керак, таълим бериш жараёни эса қуйидаги тамойиллар кетмакетлиги асосида кўрилиши лозим: – ўқитишнинг ривожлантирувчи характери асосида ўқитишни олиб бориш болаларнинг яширин ва салоҳиятли хислатларини намоён қилади; – тизимли таълим болаларга ҳодисалар, ўрганилаётган объектлар ва ҳаётий қадриятларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашга ёрдам беради; – боланинг ривожланиши унинг ҳис-туйғулари ва ёшига мос билим олишнинг рационал шакллари таянади; – кўп маданиятли тарбиянинг мазмунан кичкинтойларни маданият ва ўзининг маҳаллий ҳамда бошқа миллат ва элатларнинг урф-одатларининг ўзига хослигига яқинлаштириш, бошқалар фикрига чидамлироқ бўлиш, ўзининг норозилиги, ғазабланиши ва хафалигини меъёрланган ҳолда ифодалашдан иборат; – саломатлигининг соғлом турмуш тарзи, гигиена қоидаларига амал қилиш ва спорт билан шуғулланиш эҳтиёжига асосланади.



Мақтабгача таълимнинг инглиз тизими Буюк Британия ноёб маданият ва анъаналар давлати ҳисобланади. Инглиз таълим бериш тизими дунёдаги энг яхши тизимлардан бири деб ҳисобланади, Британия таълим дастурлари энг юқори стандартларга мос келади. Буюк Британияда мақтабгача таълим бериш камбағал ишчи оилалар болаларига кўнгилли ёрдам бериш ҳаракатига асосан вужудга келган. 1816 йилда Роберт Оуэн илк бор Шотландияда ўз фабрикаси ишчиларининг фарзандлари учун илк бор болалар боғчасини очган. XX аср бошларида опа-сингил Макмилланларнинг ташаббуси билан бир нечта болалар боғчалари очилиб, уларда асосан кам таъминланган оилалар фарзандларининг саломатлиги ва яхши овқатланишлари учун ғамхўрлик кўрсатилган. Ривожланиш босқичлари. 1988 йилда «Таълим тўғрисида» ги қонуни кучга кириб, унда нафақат таълим стандартлари, балки болаларни мақтабга қабул қилиш вақтида руҳий ривожланиш даражасига базавий баҳо бериш ҳам белгиланган. Англия, Шотландия ва Уэльсда мажбурий таълим 5 ёшдан, Шимолий Ирландияда эса 4 ёшдан бошланади. Ўқитишни бошлаш муддати Европада энг эрта деб ҳисобланади.

Мақтабгача таълим устувор йўналиш тоифасига 1996 йилда мақтабгача таълим тизими ҳақидаги қонун қабул қилингандан кейингина тушган. Уни қабул қилишдан асосий мақсад болалар боғчаларида таълим бериш сифатини яхшилаш, таълим стандартларини ошириш ва эрта таълим беришни молиялашни оширишдан иборат. Таклиф қилинган тизим доирасида ўзига хос ўқув режаси ўрнатилиб, унинг бажарилиши мақтабгача таълим муассасасининг давлат таълим тизими талабларига жавоб бериши лозим. Махсус эҳтиёжларга муҳтож ва инглиз тили уларнинг она тили бўлмаган болаларга алоҳида эътибор берилган. Шунини таъкидлаш жоизки, болалар тарбияси ва таълим олиши ўртасидаги фарқ ҳамма мамлакатларда мавжуд эмас. Буюк Британияда эса иккаласи ҳам аҳамиятли ва зарур, деб тан олинган. Бирлашган Қиролликда бундай хизмат кўрсатувчи 25 турдаги муассасалар фаолият олиб боради ва шунинг учун бу ердаги таълим тизими турлича ва аҳамияти ҳам тенг эмас. 1997 йилдан Англияда эрта таълим ислоҳоти амалга оширилмоқда. Бу давргача эрта таълим олиш ва тарбиялашга ёндашиш тизимлаштирилмаган эди – мақтабгача тарбия муассасаси хоҳлаганича ўқитиш дастури ёки хизмат кўрсатиш турларини қўллаши мумкин эди. Бу ҳолат ягона таълим тизимига жамланмаган «ноёб» ёндашишларнинг тарқалишига олиб келди. Ўқитиш учун хизматлар сифати ўзгариб турар эди. Англиядаги 3-4 ёшдаги болалар учун мақтабгача таълим Европада энг яхшилардан бири деб тан олинган бўлса-да, Буюк Британияда ўтган асрнинг 90-йиллар бошига келиб ундан фақат 20 фоизгина болалар фойдаланар эдилар. Қабул қилинган ислоҳот 3-4 ёшдаги болалар тарбияси учун ягона таълим дастури



ишлаб чиқарилишига йўналтирилган эди. 1988 йилда мақтабгача таълимни ривожлантириш учун 15 млрд. доллар миқдорда маблағ сарфланган.

Шу билан бирга 1997 йилга келиб Буюк Британияда мақтабгача таълимнинг бирорта ҳам хусусий тизими бўлмаган бўлса-да, ҳозирга келиб уларнинг сони 20 тадан ошиб кетди. Болалар боғчаси фақат давлат рўйхатидан ўтгандан кейингина давлат томонидан молиялаштирилади. Болалар боғчаларида инспекция мустақил экспертлар томонидан ўтказилиб, натижалари очиқ ахборот воситаларида эълон қилинади. 1977 йилги давлат текшируви натижаларига кўра 77 фоиз мақтабгача таълим муассасалари қабул қилинган стандартларга мос келмаган: болалар боғчаларида батафсил таълим режалари мавжуд бўлмаган, болалар ривожланишининг мониторинг тизими тақдим этилмаган, таълим дастурларининг турли жиҳатлари ўртасидаги аниқ боғланиш белгиланмаган. Эксперт ҳисоботларининг 40 фоизда педагогларнинг болалар ривожланишининг ҳолати тўғрисида тушунчалар етарли эмаслиги кўрсатилган; бола томонидан таклиф этилган фаолият ва таълим дастурига мос равишда педагог томонидан ташкил этилган фаолият ўртасидаги ўзаро ҳаракатнинг мутаносиб тизими мавжуд эмаслиги. Бугунги кунда бундай муаммолар қисман ўз ечимини топган, лекин болалар боғчаси битирувчиларининг тайёргарлиги ва мақтабларнинг мақтабгача таълим муассасаси битирувчиларига қўйилган ҳаддан ташқари оширилган талаблари орасидаги катта фарқ «Бола қандай ривожланиши керак?» деган масалага назарий нуқтаи назар ва педагогларнинг амалдаги ёндашуви ўртасида бир қатор келишмовчиликлар туғдирмоқда. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, Буюк Британиянинг ҳамма ерида мақтабгача таълим муассасаларида бир хил таълим стандартлари доирасида иш олиб борилмайди. Масалан, Шотландияда эрта таълим соҳасидаги ислохотлар - эрта қўллаб-қувватлаш марказлари билан боғлиқ эмас (бу ҳақида қуйида маълумот берилган). Ундан фарқли равишда очиқ семинар ва конференциялар ўтказилиб, у ерда педагоглар таълим жараёнига ёндашув хусусиятларини намоён этиш йўллари билан тажриба алмашадилар. Таълимга ёндашув. Буюк Британияда одатда таълим бериш ўрганилаётган предмет ёки ўқитувчига эмас, балки болага йўналтирилади.

Мақтабгача тарбия масалаларига, хусусан ёш болали ота-оналарга диққат-эътибор қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топди. Бирор-бир корхонада бир йилдан ортиқ ишлаган ҳар бир аёл бундай ҳуқуққа эга. Шу билан бирга уларга 5 йиллик муддатга иш жойини сақлаб қолиш кафолатланади. 60 фоиздан кўпроқ оналар декрет таътилидан сўнг ўз иш жойларига қайтадилар. Англиядаги мақтабгача тарбия муассасаларида болалар тарбияси учун тўлов Европада энг кўпни ташкил этади. Кам таъминланган оилаларга ёрдам тариқасида кредит дастури ишлаб чиқилган ва унга асосан ҳафтасига камида 16 соат ишлайдиган



ота-оналар 14 ёшгача бўлган битта фарзанди учун 105 АҚШ доллари миқдориди, икки ва ундан кўп шу ёшдаги болалари учун 158 АҚШ доллар миқдориди кредит пули олишлари мумкин. Оилалар зиммасига болаларни парваришлаш ва таълим бериш учун асосий молиявий мажбурият юклатилади. Бепул ва ҳаммабоп тарбия билан эса 3-4 ёшдаги болалар билан кунига озгина вақт (бир неча соат) шуғулланиш мумкин. Шу билан бирга Буюк Британияда оилада фақат ёки ота, ёки она бўлган оилалар сони Европа миқёсида энг кўп фоизни (20%) ташкил этади. Бундай ота-оналарнинг кўпчилиги (60%) ишсизлар. Статистик маълумотларга кўра, ҳар учинчи бола (4,3 миллион бола) муҳтожликда яшайди (бу кўрсаткич ота-оналарнинг даромади аҳолининг ўртача даромадидан кам бўлганда аниқланган). Қуйи (пастки) ижтимоий-иқтисодий табақа оилаларидаги болаларни қўллаб-қувватлаш эрта қўллаб-қувватлаш марказларидан ташқари «Қатъий старт» дастури ёрдамида амалга оширилади. Бу дастурни ташкил этувчи қисмлари: мутахассислар билан болаларнинг уйида учрашувлар, боланинг ўйнаш фаолияти юқори сифати хислатини қўллаб-қувватлаш, болага зарур парвариш беришни таъминлаш, махсус эҳтиёжларга муҳтож болаларга алоҳида эътибор қаратиш.

Мактабгача ёшдаги болалар учун дастурлар. Буюк Британиядаги мактабгача таълим ўқув режасида нафақат умумий таълим жараёнига урғу берилади, балки боладаги ўқиш ва ҳисоблаш каби кўникмаларга алоҳида аҳамият берилади. Бунда 4-5 ёшдаги болалар ривожланишнинг олти йўналишидаги аниқ кўникма ва билимлари белгиланди: шахсиятлик; ижтимоий-эмоционал; коммуникатив; хабардорлик; математик; жисмонан; ижодий. Мактабгача ёшдаги болалар кўп ўйнашлари керак, лекин адабиёт ва математикани билиш доирасидаги талаблар шунчалик юқорики, ўйин учун вақт қолмайди. Масалан, саводхонлик борасида гап кетганда беш яшарлик болалар қуйидагиларни билишлари керак: – сўз боши ва охиридаги товушларни аниқлаш; – товуш ва ҳарфларни ажрата билиш; – алифбодаги ҳамма ҳарфларни айтиш; – оддий сўзлар ва гапни ўқиш; – ўз исмини ёзиш; – оддий сўзларни ёзишда фонетика билимларидан фойдаланиш. Бундай мақсадлар юқори технологияли дастурлар яратилишига олиб келади. Уларда ҳар бир машғулоти учун нафақат педагог томонидан аниқ ҳаракатлар кетма-кетлиги, балки олинган натижалар ҳам баён этилган. Германияда мактабгача таълим тизими¹ Германия қонунларида мактабгача таълим олишнинг бепул ҳуқуқи белгиланган. Болаларни 4 ойлигиданоқ яслига олиб бориш мумкин. Кўпчилик немислар бу ҳуқуқдан фойдаланадилар. Немисларда кекса авлод вакиллари бўлмиш буви ва бувалар неваралар туғилгандан сўнг нафақага чиқиб, уларга қараш мажбуриятлари тушунчаси йўқ. Шунинг учун ота-оналар болаларини болалар боғчалари ва яслига беришга мажбур бўладилар. Мактабгача тарбия муассасаларининг (МТМ)



ранг-баранг шакллари ва турлари ҳайратлантиради. Энг қизиқарли болалар боғчалари турлари қуйидагича:

1. Waldkindergarten (немисча Wald сўзидан – ўрмон, Kindergarten – болалар боғчаси). Бундай болалар боғчаларини яратиш фикри Скандинавияда бошланган. Кўпинча бундай боғчалар ўрмонда жойлашади. Болажонлар доимо очиқ ҳавода бўладилар, дарахтлар ва бошқа ўсимликларни ўрганадилар, табиий материаллардан турли нарсалар ясайдилар. Болаларга табиатни севиш ва уни асраб-авайлаш ўргатилади.

2. Bauernhofkindergarten (немисча Bauernhof сўзидан – деҳқон ховлиси, кўрғони; Kindergarten – болалар боғчаси). Бундай боғчалар деҳқон хўжаликларида, фермалар ёки уларга яқин ерларда жойлашган бўлади. Болалар кучлари етгунча фермерларга молларни боқишда, дала ва боғларда сабзавот ва мевалар ўстиришда ёрдам берадилар.

3. Reggio-Kindergarten. Бундай болалар боғчаларини яратиш концепцияси Италиянинг Режио-Эмилио шаҳрида пайдо бўлган ва номи ҳам шундан олинган. Бундай мақтабгача тарбия муассасаси бозор (ярмарка) майдонини эслатувчи – ўртада катта бир хона (холл) ва ундан шаҳарчанинг турли «мавзеларига» – кичик хоналарга чикувчи иншоотни эслатади. Бундай турдаги боғчаларда болалар жойлашган муҳит асосий тарбиячи деб аталади. Ҳар куни эрталаб болалар тарбиячи билан катта хонада йиғилишиб, кун режасини маслаҳатлашадилар, сўнгра хоналарга тарқалишади. Битта хона қурилиш ва турли конструкторлар йиғиш хонасига айлантирилади. Бу ерда болалар кубиклар ўйнаши, конструкторлар йиғиши мумкин. Яна расм чизиш хонаси ҳам бор, одатда у ерда бўёқлар ва деворларга ватман қоғозлар осиб қўйилган. Болаларга махсус кийим кийгазиб қўйилади ва улар хоҳлаган ерларига – деворлар, пол, бир-бирларига расм чизишлари мумкин. Бу ерда ҳунармандчилик, мусиқий ва бошқа хоналар ҳам бор. Бундай боғчаларда тарбиячилар болаларга фақат атрофдаги жойни ўзлаштиришларида кўмаклашадилар.

4. Freinet-Kindergarten. Мақтабгача педагогиканинг бу йўналиши ўз номини болалар тарбиясига ўзига хос ёндашиш усулини ишлаб чиққан италиялик оилавий жуфтлик фамилиясидан олинган. Бу йўналишнинг асосий тамойили - боланинг бутунлай эркинлиги ва мустақиллигидир. Фрайнет-боғчасида болалар нима қилишлари, қандай ўйин ўйнашлари, нима билан шуғулланишлари, қачон овқатланишлари ва ухлашларини ўзлари ҳал қиладилар. «Болалар конференцияси» деб аталмиш йиғилишларда болалар МТМ доирасида ҳулқ-атвор қодаларини ўзлари белгилашади. Бундай боғчаларда ижод қилиш, сюжет-роль ўйинлари, экспериментлар, табиат қўйни ёки шаҳарнинг корхона ва ташкилотларига экскурсияга боришларга катта аҳамият берилади.



5. Интеграцион болалар боғчалари. Бундай турдаги МТМларда соғлом болалар билан биргаликда жисмонан ва рухий носоғлом болалар биргаликда тарбияланади. Бундай шароит оддий болалар учун чидамлик, бағрикенглик ва ҳурмат қилишни ўрганишга ажойиб имконият, деб қаралади. Имкониятлари чекланган болалар жамиятдан ажралган ҳолатда бўлмайдилар, ўз тенгдошлари билан мулоқот ва ҳамжиҳатликда бўлишни ўрганадилар. Шундай боғча ва мактабларнинг сони кўплиги Германияда ногиронларнинг яшаши, таълим олиши ва ўзини намоён қилиши учун қулай шароитлар яратади.

6. Интернационал болалар боғчалари. Бундай МТМлар эмигрантлар учун яратилган бўлиб, кўпинча уларни эмигрантларнинг ўзлари фарзандлари учун ташкил этадилар. Германияда турк-немис, яҳудий, рус-немис болалар боғчалари жуда кўп. Бу муассасаларнинг концепцияси билингваллик тамойилига асосланган. Яъни, гуруҳларда доимо болалар билан она тилида сўзловчи тарбиячи билан бирга немис тилида сўзловчи тарбиячи ҳам бўлади. Бунда болалар ҳам ота-оналарининг тилини, ҳам немис тилини ўрганадилар. Рус-немис боғчаларида кўпинча Россия муаллифларининг дастурларидан фойдаланилади. Унда Россияда нишонланадиган анъанавий – Масленница, 8 март, Янги йил каби кўп байрамларга бағишланган машғулотлар ҳам бор. Шунингдек, Германияда Вальдорф болалар боғчалари ва Монтессори тизимида ишлайдиган болалар боғчалари ҳам мавжуд. Агар ўрта статистик немис болалар боғчасини олсак, унинг фаолияти лойиҳалар тамойили асосида ташкил этилганлиги намоён бўлади. Масалан, «Касб» лойиҳаси даврида болалар тарбиячи билан экскурсияларга борадилар, турли нарсалар ясайдилар, театрлаштирилган сахналар қўядилар, печенье пиширадилар, лойдан нарсалар ясайдилар ва ҳоказо. Болалар стулчаларда ўтириб тарбиячини эшитадиган турдаги машғулотлар йўқ. Болаларга кўп эркинлик берилади. Улар истаган нарсани қилишлари, кийимларини ифлос қилишлари, бутун майдонда сакрашлари ва югуришлари мумкин.

Болалар билан ишлашга бундай ёндашишнинг кўп ижобий ва салбий томонларини топиш мумкин. Лекин ота-оналар олдида концепция, назария ва ғоялардан иборат катта танлаш ҳуқуқи бор. Улар фарзандларини бола учун энг қулай боғчага беришлари мумкин.

Японияда мактабгача таълим.

Японияда болаларни тарбиялаш методи тўғрисида қуйидаги кенг тарқалган иборани келти¹ Билингвал ўқитиш – таълим жараёнини бир неча тилда олиб бориш мумкин: «Бола 5 ёшгача – қирол, 5 ёшдан 15 ёшгача – қул, 15 ёшдан кейин эса барча билан тенг ҳуқуқли инсон».

Бу иборанинг турли талқини бошқа миллатларда ҳам учрайди. Албатта, бу фалсафий иборани борица қабул қилиш шарт эмас. Лекин боланинг ҳаёти бир



неча даврларга бўлинади ва булардан биринчи даврида бола ҳаммани ўзига мафтун этади, уни асраб-авайлашади, эркалашади. Ёши улғайгач болада лаззатланишдан ташқари ўзининг ҳаракатлари учун масъулият ва қатор мажбуриятлар пайдо бўлади. Улғайишнинг маълум ёшига етгач кечаги болакай бугун жамиятнинг тенг ҳуқуқли ва тенг мақомга эга аъзосига айланади. Бунинг ҳаммаси Япониянинг таълим тизимида бир маром ва кетма-кетликда кузатилиб борилади.

Таълим тизимининг, шу жумладан мактабгача таълим ривожланиши тарихи узок ўтмишнинг Мэйдзи даврига бориб тақалади. Японияда 1876 йилда бой хонадон фарзандлари учун биринчи болалар боғчаси очилган. Болалар боғчаларининг очилишидан мақсад болаларнинг ақлан ва жисмонан ривожланишига ёрдам берадиган ўзаро муносабатда бўлиш муҳитини яратишдан иборат бўлган. Албатта бола тарбиясида онанинг роли турлича, лекин болаларнинг ўз тенгдошлари, тарбиячи билан мулоқоти, бирга ўйнаши ва биргаликда меҳнат қилиши уй шароитида эришиб бўлмайдиган натижаларга, яъни унинг соғлом ва гармоник ривожланишига имконият беради. Давлат даражасидаги мактабгача тарбия тизими фақат 1961 йилдан кейин кенг тарқала бошлади.

Бугунги кунга келиб, амалда ҳар бир япон боласи болалар боғчаси ёки болаларга қараш марказига қатнайди. Японияда болалар боғчаси. Болаларга нисбатан меҳрибонлик ва муҳаббат япон жамияти учун муҳим жиҳатлардан бири бўлиб бундай муҳаббатнинг асосий ва муҳим манбаи аёлдир. Яқин даврларгача япон оилаларида аёллар ўз оиласини асровчи, ғамхўр хотин, меҳрибон она бўлиб болага баркамол тарбия бериш унинг вазифаси ҳисобланар эди. Охириги вақтда вазият ўзгариб, японлар кеч турмуш қуряптилар ва кўп аёллар ишлашни хоҳляптилар ёки ишлашга мажбурлар. Шунга қарамай япон оналарининг аксарияти болаларни 3 ёшгача уй шароитида тарбиялаб, кейин ижтимойлашиш учун болалар боғчаларига жойлаштирадилар.

Японияда мактабгача таълим куйидаги муассасаларда амалга оширилади:

- болалар яслиси, болаларга қараш марказлар;
- болалар боғчалар;
- ногиронлар учун махсус муассасалар.

Мактабгача таълим умуммажбурий бўлмаса ҳам болалар болалар яслилари ва боғчалари катта эҳтиёжга эга ҳамда болани болалар боғчасига жойлаштириш учун аввалроқ ҳаракат қилиш лозим. Ўртача олганда болалар боғчасига жойлаштириш учун 25000 бола навбатга туради. Японияда болани болалар боғчасига уч ёшдан берса бўлади, ёки кўпинча болани 4 ёшдан берилади. Мактабгача ўқитиш муддати 3 йил давом этиб сўнгра бола бошланғич мактабга қабул қилинади. Болалар яслисига (болага қараш маркази) болани уч ойлигидан

бериш мумкин, лекин бундай ҳолат японлар орасида кенг тарқалган эмас, чунки бундай ёшда болани яслига жойлаштириш учун онада жуда жиддий сабаб бўлиши керак.

Шунингдек бундай аёл жамият томонидан яхши она деб баҳоланмайди. Атрофдагиларнинг фикри эса японлар учун энг асосий деб ҳисобланади. Японияда болалар ялисига фақат ота-онаси ишлайдиган болалар қабул қилинади. Бунинг учун муниципалитетга ота-она иш жойдан маълумотнома ва оилада бошқа болага қараб турувчи оила аъзоси йўқлиги ҳақида ҳужжатлар тақдим этилади. Болалар ясилари болаларга қараб туриш фаолияти билан шуғулланадилар ва у ерда таълим бериш дастурлари назарда тутилмайди ҳамда улар Таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирлигига эмас балки Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва фаровонлик вазирлигига бўйсунадилар.

Японияда болалар ясилари. Болани мактабгача тарбия муассасига жойлаштириш масаласини, қандай муассаса (давлатга қарашли ёки хусусий) бўлишидан қатъий назар, муниципалитет ҳал қилади. Мэрияга (шаҳар хокимиятига) мурожаат қилган отаоналарга болалар боғчалари (ясилар) қаерда жойлашганлиги кўрсатилган атлас берилади. Бу атласда у ерга боровчи схема, мактабгача тарбия муассасидаги жойлар сони кўрсатилган. Ота-оналар аввалроқ болалар боғчасига боришлари, тарбиячилар билан суҳбатлашишлари ва уларга ёққан боғчани танлашлари мумкин, лекин ҳал қилувчи натижани муниципалитет белгилайди ва бўш ўрин бўлса ота-оналарга болани боғчага (яслига) бориш учун руҳсат беради.

Болани боғчага йилнинг барча ойидан олиб бориш мумкин, лекин бўш ўринлар сони 1 апрелга келиб кўпаяди чунки шу пайтда ўқув йили бошланиб боғчаларни битирувчи болаларнинг бир қисми бошланғич мактабга йўл оладилар. Япониянинг мактабгача тарбия тизимига қуйидаги турдаги муассасалар киради: – давлатга, муниципалитетга, префектурага тегишли; – хусусий. Шунингдек мактаблар ва институтлар қошида ҳам болалар боғчалари мавжуд. Яъни болалар учун боғча ёшиданоқ унинг келажакдаги ўқиш жараёни белгиланади. Бундай ихтисослаштирилган болалар боғча тарбияланувчиси келажакда тегишли нуфузли мактабга кейинроқ эса университетга кириш имкониятига эга бўлади.

Фарзандининг порлоқ келажagini шакллантиришда ота-оналар мактабгача ва таълим муассасаларни танлашга мантиқий сиёсат билан ёндашадилар. Бу жараён болани нуфузли болалар боғчасига кейин бошланғич сўнгра энг яхши ўрта мактабга жойлаштириш билан бошланади ва бола катта бўлгунча давом этади. Натижада бола муносиб касб эгаси бўлиши ва шунга мос иш ҳақи олиши учун ота-отанар бола туғилишидан бошлаб унинг таълим олишига катта маблағ сарфлашлари керак. Агар оила бирор бир сабаб билан болани болалар боғчасига



олиб бормаса, унда онанинг ўзи уни мактабга тайёрлаш учун ҳамма керакли билимни ўргатиши лозим.

Япониянинг мактабгача таълим тизимининг 80 фоизини хусусий болалар боғчалари ва болага қараш марказлари ташкил этади. Давлатга тегишли ва хусусий боғчалар ўртасидаги фарқ катта эмас. Таълим бериш жараёнининг тизими ва ёндашиш иккала турдаги муассасаларда ҳам 2006 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги асосий қонун”га мос равишда олиб борилади. Бунда боланинг ҳоҳ давлатга қарашли, ҳоҳ хусусий боғчада тарбияланиши учун тўлов пули ота-онанинг даромадига қараб белгиланади - оила даромади қанча катта бўлса боғча пули ҳам шунча катта бўлади. Ўртача қилиб олганда кам таъминланганлар учун 100 АҚШ доллардан, бадавлат оилалар учун 500 долларгача тўлов амалга оширилади. Яслиларда (болага қараш марказларида) яна боланинг ёши ҳам ҳисобга олинади - бола қанчалик кичик бўлса, тўлов баҳоси юқори бўлади. Лекин бари бир хусусий боғчаларда тўлов нархи юқорироқ ҳамда ҳар ойлик тўловдан ташқари кириш тўловини ҳам ўз ичига олади ва бу эса 1000 АҚШ долларгача бориши мумкин. Шулар билан бирга ҳамма боғчалар учун мажбурий бўлган форма учун ҳам пул тўлаш керак бўлади. Ҳар бир болалар боғчаси ўз формасига эга бўлиб бунда бир хил шимчалар, юбкачалар, кўйлакчалар, иссиқ кўйнаклар, бош кийим ва орқасига осиб юриладиган халталар бўлиши керак. Формаларни кийиб юриш мажбурий.

Японияда мактабгача тарбия. Мактабгача таълим муассасидаги бола тарбия ва мазмуни сифати боғчанинг давлатга қарашли ёки хусусийлигида эмас балки аниқ боғчанинг ўзига, у жойлашган ҳудуди ва педагогик жамоасига боғлиқ бўлади. Гуруҳлардаги болаларнинг сони ҳам турлича бўлиб, 8 нафардан 40-50 нафаргача бўлиши мумкин.

Японияда мактабгача тарбия муассасаларида иш соатлари турлича. Мисол қилиб айтганда, давлат боғчалари икки хил кўринишда бўлади – тўлиқ иш кунидан иборат боғча бўлиб, унинг тартибига кўра боғча ҳар куни ва шанба (ярим кун) куни қўшилган тарзда ишлайди. Бундай боғчага иккала ота-онаси кунига 4 соатдан кўпроқ ишлайдиган болалар қабул қилинади. Кун бундай боғчаларда эрталаб соат 8 дан бошланиб, болани кечки соат бешгача ҳоҳлаган вақтда олиб кетиш мумкин. Қўшимча тўлов эвазига болага кечки соат 7-гача қараб туриш мумкин. Иккинчи кўринишдаги боғчалар, бу болаларни ярим кунга қабул қиладиган боғчалар. Бир хил кутилмаган шароитларда, масалан кучли тўфон ҳавфи ҳақидаги огоҳлантирувдан сўнг ота-оналар болаларни мактабгача муассасадан олиб кетишлари шарт.

Болалар боғчаларида ота-оналарни тарбияга жалб қилиш жараёни ўта юқори даражада. Эрталаб вақтли болаларни боғчага ташлаб кетиб кечқурун олиб кетадиган бизнинг ота-оналар учун Япония болалар боғчаларидаги тартибга



кўникиш жуда қийин, чунки у ерда бола тарбиясида ота-онанинг мунтазам қатнашиши ва фаол иштироки талаб қилинади. Болалар боғчада отаоналарсиз икки соат, узоғи билан тўрт соат бўлишлари мумкин. Ва бу жараёнда нафақат болалар, балки ота-оналар ҳам тарбияланадилар.

Болалар яслиларида тарбиячилар кундалик дафтар тутиб унга боланинг кун давомидаги фаолиятини ёзиб боради: бола қандай овқатланди, қандай ухлади, ўзини қандай хис қилди ва ҳоказолар, ва худди шу нарсаларни ота-оналардан ҳам кутадилар. Педагоглар ва ота-оналар ҳар бир бола тарбияси тўғрисида ўзларининг қизиқ кузатувларини ва фикрларини ёзиб борадилар. Болалар тарбияси жараёни педагог ва ота-онанинг биргаликдаги яқин ҳамкорлигида амалга оширилади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозим, бу жараёнда педагог (тарбиячи) бошловчи томон ҳисобланади. У эса ўз навбатида отаоналарнинг болалар тарбиясида йўл қўйган камчилик ҳамда адашишларини кўрсатиб бериши мумкин ва ота-оналар буни нафақат ҳисобга олиши балки келажақда ундан қўлланма сифатида фойдаланиши зарур.

Мактабгача тарбия муассаса педагогик жамоалари томонидан болаларни тарбиялаш усули бўйича ота-оналар ўқитиб борилади, мунтазам равишда ота-оналар мажлислари ўтказилади. Болаларнинг оналари одатда бир-бирлари билан тез-тез ўзаро суҳбатлашиб турадилар, турли масалаларни хал қилувчи «оналар» кўмиталари тузадилар, болалар муассаларида ўтказиб туриладиган спорт кунлари, кузатув ва бошқа тадбирлар кунларида қатнашиб турадилар. Аммо, авваламбор, мактабгача ёшдаги япон болаларининг тарбияси уйдан бошланади. Айнан ота-оналар ўз фарзандларига маълум ахлоқ усулларини сингдириб борадилар, ўз хаттиҳаракатлари билан болаларни меҳрибон, хушмуомалали, раҳмдил ва мустақил бўлишни ўргатадилар. Бола учун онанинг меҳри жуда юқори даражада ва онанинг яхши муносабатини йўқотиш унинг учун олий жазодан ҳам кўрқинчи хол.

Назорат саволлари:

1. Республикада мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш кўрсаткичи 31 фоизни асосий сабабларини нима деб биласиз?

2. Республикамизнинг қайси ҳудудда мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш кўрсаткичлари юқори ва пастдир? Бунинг сабаблари нимада?

3. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2016 йил 29 декабрь куни —2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2707-сонли қарорни долзарб масаласини очиб беринг?



4. 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорда, нечта болаларни мактабгача тайёрлашнинг муқобил шаклдаги қисқа муддатли гуруҳлар тузушиш келтирилган?

5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси нечта устувор йўналиши мавжуд ва уларнинг ранглари?

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қoidаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

Мавзу 2: Мактабгача таълимни ривожлантиришга замонавий ёндашувлар.

Режа:

- 1. Мактабгача таълим тизимида бошқарув механизми**
- 2. Узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини – мактабгача таълим**
- 3. Республикамизда мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти**

Таянч тушунчалар: янги авлод, самарали тизим, ривожлантириш, такомиллаштириш, бошқарув механизми, малакали кадрлар, мактабгача таълим ташкилоти, соғлом мухит, узлуксиз таълим.

1. Мактабгача таълим тизимида бошқарув механизми

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ўсиб бораётган авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук вояга етказиш, таълим-тарбия жараёнига самарали таълим ва тарбия шакллари ҳамда усулларини жорий этишга қаратилган мактабгача таълимнинг самарали тизимини ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.



Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати, ижтимоий-маънавий ҳаёт даражасининг юксалиши таълим тизимининг рақобатбардошлиги, илм-фан тараққиёти билан белгиланади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, интеллектуал салоҳиятли, жисмоний баркамол авлодни шакллантириш, аниқ фанларни чуқурлаштириб ўқитиш ва иқтисодиётнинг турли соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаш устувор вазифалар сифатида белгиланган бўлиб, пировардида бугунги давр талабига жавоб бера оладиган таълим тизимни яратиш кўзда тутилди.

Соҳадаги ислохотлар натижасида мактабгача таълим тизимида бошқарув механизми тубдан такомиллаштирилди, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш тизими ислоҳ қилинди, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими қайта кўриб чиқилди, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чоралари кучайтирилди, олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими жорий этилди.

Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар нодавлат мактабгача таълим муассасалари сонини янада ошириш ва улар кўрсатадиган хизматлар турларини кенгайтириш учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

Шу билан бирга, олиб борилган таҳлил, болаларнинг мактабгача таълим билан қамровини таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик материаллар ва бадиий адабиётлар билан тўлдириш, соҳага малакали педагог ва бошқарув кадрларини жалб қилиш масалаларини ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг сифатли мактабгача таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш, мактабгача таълим хизматларининг нодавлат секторини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3955-сон қарорига мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси мувофиқ, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда:

- мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

- мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш;



- болаларнинг сифатли мактабгача таълим билан қамровини ошириш, ундан тенг фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, мазкур соҳада давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

- мактабгача таълим тизимида инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

Мактабгача таълим. Узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланган ушбу соҳа ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Лекин, таҳлиллар шуни кўрсатдики, охириги йилларда турли омиллар таъсирида мактабгача таълим тизимида болаларни мактаб таълимига тайёрлаш борасида ривожланиш ўрнига, орқага кетиш ҳолатлари, йил давомида мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш кўрсаткичлари ўсиши тенденцияси кузатилмади. Аксинча, сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 30 фоизни ташкил этди. Бунга мавжуд мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замонавий талабларга жавоб бермаслиги, тизимда вариатив дастурлар, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил шаклларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси етарли даражада ўрганилмаганлиги, фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти олий маълумотли эмаслиги, таълим сифати мониторинги юритилмаганлиги каби омиллар сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, ўтган қисқа вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги фармон ва қарорлари, шунингдек, «Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Дастури ҳамда республикада мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» асосида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди.

Барча соҳалар қатори тизимда амалга оширилаётган ўзгаришлар, фармон ва қарорларда белгиланган вазифаларнинг ижроси бошқа соҳалар қатори Давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз. Қабул қилинаётган фармон ва қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида йил якуни бўйича мактабгача таълим муассасаларига болаларнинг қамрови 10 фоизга ошиши кутилмоқда.



Жумладан, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш, мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш, мактабгача таълим муассасаларига педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш механизмини такомиллаштиришдан иборат долзарб вазифалар қўйилди.

2. Узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини – мактабгача таълим.

Мактабгача таълим муассасалари фаолияти учун етарли шароит яратилмаганлиги боис, бинолар қаровсиз ҳолга келиб, бўшаб ётганлиги, улардан самарали фойдаланилмаётганлиги танқид қилиниб, амалга оширилиши лозим бўлган етти та йўналишдаги стратегик вазифалар белгилаб берилди.

Улар доирасида давлат бюджетидан 427 боғчада қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш учун 771 миллиард сўм маблағ ажратиш, жумладан, 14 тасини янгидан қуриш, 256 тасини реконструкция қилиш ва 157 тасини капитал таъмирлаш режалаштирилаётганлиги, давлат-хусусий шерикчилик асосида янги турдаги мактабгача таълим муассасаларининг ташкил этилиши, 2018 йил 1 январдан бошлаб, 5 йил давомида хусусий боғчалар томонидан табиий газ ва электр энергияси учун сарфланадиган маблағнинг ярми давлат бюджети ҳисобидан қопланиши, боғчаларда болаларни соғлом овқатлантириш ва уларга берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини таъминлаш мақсадида 2018 йилдан бошлаб ҳар бир мактабгача таълим муассасасига 10-15 нафар фермерни сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бериш учун бириктирилиши, болалар боғчаларига тайёр сифатли иссиқ овқат етказиб берадиган давлат корхонаси ташкил этилиб, “Кетринг” хизматини йўлга қўйиш механизмидан ишлаб чиқилиши, мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти фаолиятининг такомиллаштирилиши, мактабгача таълим учун кадрлар тайёрлайдиган институтларнинг қабул квоталарини реал эҳтиёждан келиб чиқиб белгилаш ҳамда мактабгача таълим педагогларига қўйиладиган талабларнинг қайта кўриб чиқилиши том маънода соҳани дунё стандартлари даражасига олиб чиқилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

3. Республикамизда мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти

Истиқболда белгиланаётган бундай улкан вазифаларнинг амалга оширилиши соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни талаб этади. Шу боис, илғор хорижий тажриба асосида “Мактабгача таълим

тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан иборат ўта долзарб вазифа юклатилди.

Мақтабгача таълимни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш соҳасининг методологик асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Мақтабгача таълим тўғрисида»ги концепсия ва низомда кўрсатиб берилган мақсад ва вазифалар ташкил этади. Шу билан бирга, мақтабгача таълим муассасаси мустақил равишда ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан, қонунчилик-ка ва педагогик тамойилларга зид бўлмаган ҳар қандай қарорлар қабул қилишга ҳақлидир.

Эътироф этиш керакки, мазкур қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ўз навбатида таълим соҳасига оид миллий қонунчилигимизнинг янада такомиллашувига, соҳага оид барча муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шундай экан, тизим олдида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш биз Қон Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги тузилиши бу борадаги бошқарув тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Энди идоравий мансублигидан қатъи назар, давлат тасарруфидаги барча мақтабгача таълим муассасаси мазкур вазирлик тизимига ўтказилади. Вазирлик зиммасига бир қатор муҳим вазифалар юклатилди. Хусусан, мақтабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олиб, мақтабгача ёшдаги болаларни ҳар жиҳатдан интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, давлат ҳамда нодавлат мақтабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига фарзандларимизни мақтабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари, мақтабгача таълим муассасаларини миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болалиқдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ҳамда ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан таъминлаш, тажрибали юқори малакали, касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ва тарбиячиларни ўқув-тарбия жараёнига жалб қилиш кабилар ҳам вазирликнинг диққат-эътиборида бўлади. унчилик палатаси депутатлардан ҳам фаолликни ва масъулиятни талаб этади.

Мақтабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассис ва педагогларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва



баркамол шахс бўлиб вояга етишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

Бунга қўшимча исбот қидириб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Боғча тарбиясини олган бола билан боғчага бормаган болани солиштирганда, уларнинг фикрлаш даражаси ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини сезиш қийин эмас.

Шунинг учун ҳам биз мақтабгача таълим тизимини қайта кўриб чиқиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, бу борада катта ишларни бошландик. Агар шу ишни ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширсак, бутун таълим тизимида сифат ўзгаришига эришишимиз, таълимнинг узлуксизлигини таъминлашимиз қийин бўлади.

Назорат саволлари:

1. Нодавлат таълим хизматларини мақтабгача таълим тизимида кўрсатиш тўғрисидаги янгиликларни баён қилиб беринг?
2. Олий таълим муассасаларида махсус сиртқи бўлимларнинг —Мақтабгача таълим йўналиши бўйича 2018-2023 йиллардаги квоталар масаласи.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 19 декабрь куни мақтабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишга бағишланган видеоселектор йиғилишнинг стратегик вазифаларни айтиб беринг?
4. Корея мақтабгача таълим тизими тўғрисида қандай маълумотга эгасиз?

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
2. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
3. “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли Фармони.
4. “2017-2021 йилларда мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли Қарори.
5. “Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли Қарори.



Мавзу 3: Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари

Режа:

- 1. Модулли таълим моҳияти.**
- 2. Модулли таълим тамойиллари**
- 3. Модул блоклари**

Таянч тушунчалар: модуль тизими, олий таълим, маълум миқдордаги кредит, бутунжаҳон концепцияси, Европа Кенгаши, ўқув фан, кредит бирлиги.

1. Модулли таълим моҳияти.

Ўқитишнинг модул тизими ҳақида расмий равишда биринчи марта 1972 йил ЮНЕСКОнинг Токиодаги бутунжаҳон концепциясида сўз юритилган эди. Модулли ўқитиш технологияси – функционал тизимлар, фикрлашнинг нейробиологияси, педагогик-психологияларнинг умумий назариясидан келиб чиққан ҳолда халқаро ташкилот – Европа Кенгашида ўрганиш бўйича махсус гуруҳ ташкил этилди.

XX асрда дунёнинг турли мамлакатлари олий таълим муассасалари ўқув жараёнида кредит бирликларини (credit points) ҳисоблаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турувчи бир неча хил вариантлари шаклланди. Улардан энг кенг тарқалган вариантлари: европача (European Credit Accumulation – ECA), британча (Credit Accumulation and Transfer System – CATS), американча (US Credit System – USCS). “Кредит” атамаси (ECTS-credit) – “синовдан ўтди” маъносини англатиб, талабанинг ўқув юртида маълум бир курс (модул)ни муваффақиятли якунлаганлиги тўғрисида маълумот беради.

Модул-кредит тизими – ҳар бир ўқув фани (модули)нинг талабалар томонидан маълум миқдордаги кредит бирликлари асосида ўзлаштирилишини таъминловчи тизим. Тизимнинг асосий мақсади ижтимоий субъектлар томонидан олий маълумот олиш имконини кенгайтириш, олий таълимнинг сифати ва самарадорлигини истиқболли ошириш, талабалар ҳамда ўқитувчиларнинг ҳаракатчанлиги, фаоллигини ривожлантириш, шунингдек академик даража ва бошқа касбий малакаларнинг меҳнат бозорига йўналтирган ҳолда олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан муваффақиятли таъминлашдан иборат.

Ўқув жараёнини модулли-кредит тизими асосида ташкил этиш — ўқув жараёнини ташкил этишнинг модели бўлиб, таълимнинг модулли технологиялари ва кредитларни ҳисобга олиш ёки таълимнинг ягона бирликларини бирлашишига асосланади. Таълим модулли-кредит тизимига



асосланган бўлиб, кредит бирликларининг сони талабалар томонидан сарфланадиган меҳнат сарфига мос ҳолда белгиланади. Талабанинг меҳнат сарфи – аудитория машғулоти, мустақил ишлар ва ўқув режасида кўзда тутилган бошқа фаолиятларини ўз ичига олади. Ўқув фани (модули)ни ўрганиш учун талаба томонидан сарфланган умумий меҳнат сарфи миқдори (аудитория ва мустақил иш соатлари) бир ўқув йилида 750 – 800 соатни ташкил этиши лозим. Айни ўринда айтиб ўтиш зарурки, кредитлар аудитория соатлари билан чегараланиб қолмай, балки талабанинг аудиториядан ташқари шароитда ҳам ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш учун сарфлайдиган юкломани ҳам инобатга олган ҳолда белгиланади.

Одатда, ўқув режасига киритилган фанлар бўйича ажратиладиган кредитлар сони 3 га тенг. Баъзан ўқув фани учун ажратилган кредит сони 3 тадан кўп ёки кам бўлиши мумкин. Кредитлар барча (мажбурий ва ихтиёрий) танланган ўқув фанлари бўйича тақсимланади. Кредитларнинг тақсимланишида фан бўйича курс лойиҳалари ва амалий ишларининг мавжудлиги иноатга олинади. Ўқув фани учун ажратиладиган кредитлар миқдори фаннинг мураккаблиги ҳамда талабалар томонидан унинг ўзлаштирилишига боғлиқ бўлади. Одатда кредитлар йиғиндиси семестрда 30 тани, ўқув йили давомида 60 тани, бакалаврият даврида эса 240 ни ташкил этади.

Мазкур Қарордан келиб чиқиб, бугунги кунда Ўзбекистон университетларида ўқув жараёни дунёнинг кўпгина мамлакатларида амалда бўлган ва ўзининг қулайлиги ҳамда самарадорлиги билан тан олинган ўқитишнинг модул-кредит тизимига асосланиб амалга оширилмоқда. Модул-кредит тизимида ўқув жараёнининг асосий мазмуни, талабаларда мустақил таълим олиш қобилиятини ривожлантириш, талабаларга ўз соҳаси йўналишларига қизиқишларидан келиб чиқиб, ўқув фанларини танлаш имкониятини бериш ва уларнинг мустақил таълим олишини таъминлаш учун тўлақонли ўқув адабиётларини яратишни назарда тутди.

2. Модулли таълим тамойиллари

Тизимнинг бош мақсади университетларда ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиган, сифатсиз кадрлар тайёрланишининг олдини олишга қаратилганлигидир. Модуль-кредит тизими талабаларда мустақил таълим олиш, ҳуқуқни қўллаш, эркин фикрлаш ва таҳлил этиш кўникмалари, шунингдек юридик соҳанинг ўзига хос хусусияти ҳисобланган муайян муаммоли вазиятлар бўйича асосли ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилганлиги билан алоҳида тавсифланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, республикамиз университетларида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўқув-

тарбиявий жараён сифатини ошириш, уни инновацион мазмун билан тўлдириш, талабалар билимини баҳолашнинг самарали тизимини жорий қилиш, мустақил равишда янги билимларни эгаллаш ва улардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган назарий тайёргарлик ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини таъминлаш имконини берди.

Биринчидан, соҳадаги муаммоларни ҳал этиш учун илғор хорижий тажрибани эътиборга олиб, мамлакатимизда таълимни такомиллаштиришга қаратилган концепция ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Концепция кадрлар тайёрлаш тизимини бевосита таҳлил қилиб бориш, ютуқ ва камчиликларни ўрганиш, шу билан бирга келгусида амалга оширилиши лозим бўлган мақсад ҳамда режаларни белгилаб олиш имкониятини беради. Концепция кадрлар тайёрлаш тизимининг энг муҳим жараёнларини ўзида қамраб олиши керак.

Иккинчидан, кадрларни тайёрлашда ихтисослашувни кучайтириш учун педагогика соҳаси бўйича ўзлаштирилиши шарт бўлган фанлар ва қўшимча (факультатив) фанлар доирасининг аниқ белгилаб қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, хориж тажрибасидан келиб чиқиб, миллий пед.кадрлар учун “Legal Writing” (ҳуқуқий ёзув услуби) ҳамда Rechtsphilosophie (ҳуқуқ фалсафаси) фанларини фундаментал фанлар доирасида ўрганишни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Педагогнинг нутқи равон бўлиши мумкин, аммо ҳуқуқий услубда маҳоратли ёза олиш алоҳида қобилият ҳисобланади. Маълумки, ҳуқуқшунос ишининг энг асосий қисми ҳуқуқий ёзишмалар орқали амалга оширилади. Шу сабабли ҳам талабаларда қисқа, лўнда, равон, мантиқий изчилликда расмий ёзиш услубини шакллантириш лозим.

Учинчидан, мутахассислик йўналишларининг ихтисослашувини янада такомиллаштириш. Бунда талаба аниқ бир ихтисослашув асосида профессионал мутахассис сифатида фаолият юритишига замин яратилади. Талабаларга фундаментал (мажбурий) фанлардан ташқари танлов асосидаги фанларни ўз хоҳишларига биноан танлаш имкониятини жорий этиш лозим. Бунда талаба фанларни ўзи танлаб боради ва танланган ҳар бир фан келгусида танланиши мумкин бўлган фанларга мантиқий боғланган бўлади. Шу сабабли ҳам талаба дастлабки семестрнинг ўзида келгусида ҳам ўрганиши керак бўлган фанларни аниқлаб олиши лозим.

Тўртинчидан, талабаларнинг оралиқ назорат ишларини текширишнинг обективлигини таъминлаш мақсадида плагиатни аниқлашни илғор усулларини қўллаш лозим. Ҳозирги вақтда педагог ходимлар томонидан оралиқ назорат ишларининг текширилишини самарали усул деб бўлмайди. Бу нафақат талабаларнинг обектив баҳолашни имкониятларини пасайтириши, балки педагог ходимларга ҳам қийинчилик туғдиришини инобатга олиш лозим. Акс



ҳолда, юқори баҳоланиши керак бўлган ишларнинг паст баҳоланиши ёхуд бунинг акси каби ҳолатлар талабаларнинг ўқиш фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, талабаларнинг назорат ишларини текширишда белгиланган аниқ мезонларга қатъий риоя қилишни йўлга қўйиш лозим. Хориж таърибасига назар ташлайдиган бўлсак, (АҚШ, Германия, Франция) талабалар берилган ёзма топшириқни бажаришда белгиланган мезонларга риоя қилмагудек бўлса (чегараланган сўзлар миқдорига риоя этиш), уларнинг баҳолари автоматик тарзда пасайтирилади.

3. Модул блоклари

Сўнгги йилларда, мамлакатимиз ОТМларида ҳам босқичма босқич кредит-модул ўқитиш тизимига ўтиш ишлари бошлаб юборилган. Хусусан, 2030 йилгача кредит-модул тизими жорий этиладиган ОТМлар сони 2 тадан 85 тага етказиш режалаштирилмоқда. Бугунги кунгача, ўқитишнинг ушбу тизими Тошкент давлат юридик университети ва Тошкент ахборот технологиялари университетида амалиётга жорий этилган.

Кўп сонли ўқувчиларимизнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, ушбу мақоламиз орқали кредит-модул ўқитиш тизими ҳақида маълумот берамиз.

Аввало модул тушунчаси ҳақида. Модул – бу алоҳида индивидуал ўқув фани. Ўзида билимга эгаллик қилиш ва касбий жиҳатларини қамраб олган бўлиб, таълим олувчиларнинг ўқув дастурини ўзлаштириш натижасида шаклланган билим, кўникма ва компетенцияларни назорат қилишнинг тегишли тури билан яқунланишни назарда тутди.

Кредит-модул ўқитиш тизими эса, ҳар бир ўқув модули таркибини тузишга асосланган модулнинг ўқув натижалари ва якуний назоратни кузатиб бориш орқали таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва компетенцияларини мунтазам равишда баҳолаб борувчи ўқув дастурини ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш тизими ҳисобланади.

Мазкур ўқитиш тизими маъруза, назарий, амалий, семинар, лаборатория машғулотлари, ўқув амалиёти, клиник ўқув амалиётлар, курс лойиҳаси (иши), шунингдек таълим олувчиларнинг мустақил машғулотлари бўйича ҳафталик соат юкламаси ва таълим олувчиларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини акс эттиради. Таълим олувчилар томонидан барча мажбурий фаолият турлари бажарилгандан ва улар баҳолангандан сўнг кредитларни тўплаш мумкин.

Кредит бирликлари тизимига тўхталадиган бўлсак, бу кредит дастурларини унинг таркибий қисмлари, яъни модуллар, модуллар блоклари, курслар ва бошқаларга бириктириш орқали таълим дастурларини тавсифлашнинг тизимли усулидир.



Кредит-модул ўқитиш тизими ўқув жараёнининг қуйидаги шаклларида ташкил топади:

аудитория машғулоти – маъруза, назарий, амалий, семинар, лаборатория машғулоти, ўқув (клиник) амалиёти;

аудиториядан ташқари машғулоти – илмий кутубхонада ишлаш, мустақил ишлар, индивидуал маслаҳатлар, клиник вазифалар, ишлаб чиқариш (малака) амалиёти, курс иши, битирув малакавий иши, таълим олувчиларнинг илмий анжуманларда қатнашиши, магистратура мутахассисликларида илмий фаолият турлари ва бошқалар.

Одатда, кредит таълим олувчи томонидан ўқув режаси бажарилишининг кўрсаткичи бўлиб, тегишли ўқув ишларини бажаришга кетадиган вақт (соат)лардан ташкил топади. Бу модул хусусияти ва бўлажак мутахассисни шакллантириш учун ўқув ишларининг муҳимлигидан келиб чиқиб таълим муассасаси томонидан белгиланиши мумкин. Ҳар бир модул мустақил кредитга эга бўлади.

Қайд этиш ўринлики, кредит-модул тизимига ўтиш – давр талаби. Бу тизимда ўқитувчиларни талабалар танлайди. Танлов фанлари сони кўпайтирилади, яъни талаба ўз йўналиши бўйича танлаб ўрганиши мумкин бўлган фанлар сони кўп бўлади.

Аммо кредит-модул тизимида керакли балли йиға олмаган талабалар ОТМларда узоқ йиллар ўқишига тўғри келади.

Назорат саволлари:

1. Модулли таълим моҳиятини очиб беринг.
2. Модулли таълим тамойиллари қандай?
3. Кредит-модуль тизими ҳақида тушунча беринг
4. Педагогик кадрларни тайёрлашда ихтисослашувни кучайтириш учун нималарна амалга ошириш зарур?
5. Концепцияда кўрсатилган кадрлар тайёрлаш тизимининг энг муҳим жараёнларини кўрсатиб ўтинг

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017. – 102б.



3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

Мавзу 4: Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тадбиқ этилиши.

Режа:

- 1. Жаҳон ҳамжамиятида таълимни ривожланиши**
- 2. Ўзбекистондаги таълим тизими ҳолати.**
- 3. Хорижий давлатларда илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш**

Таянч тушунчалар: Жаҳон жамияти, таълим тизими, Европа давлатлари, ўқув дастурлар, илмий тадқиқот, тажриба, тадбиқ этиш, ўқув-услугий жараёни.

1. Жаҳон ҳамжамиятида таълимни ривожланиши

Сўнгги ўн йилда жаҳон ҳамжамиятида таълимни ривожлантириш борасида улкан ютуқларга эришилди. 1960 йилда жаҳонда одамларнинг 36 фоизи ҳатто базавий маълумотга эга эмасди. Аммо, 2000 йилда аҳоли сонининг икки баравар ўсишига қарамай, бундай одамлар сони 25 фоизга камайди. 1975 йилгача дунёда катта ёшли ҳар иккинчи киши ёзиш ва ўқишни билмаган бўлса, айти пайтда саводсиз одамлар сони деярли ярим бараварга қисқарди.

Жаҳонда иқтисодий ривожланган мамлакатлар таълим даражаси индекси бўйича етакчилик қилса, Африка давлатлари бу кўрсаткичдан орқада қолмоқда.

Саноат ривожланган мамлакатларда фуқароларнинг 1–2 фоизини саводсизлар ташкил этади. Бу мамлакатларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача 32 фоизи (25–65 ёш) олий маълумотга эга. Олий маълумотга эга одамлар Канадада 43, АҚШда 38, Японияда 36 фоизни ташкил қилади.

Ривожланаётган давлатлар гуруҳида ўртача саводхонлик даражаси қарийб 80 фоизга ошди. 1990 йилдагига нисбатан кичик ёшдаги мактабга бормаётган болалар сони 30 миллион нафарга камайди, мактабда ўртача ўқиш муддатининг давомийлиги ярим йилга кўпайди.

Шунга қарамай, бутун дунёда таълим соҳасида ҳали ечилмаган муаммолар кўп. Ер шарида қарийб 100 миллион нафар мактаб ёшидаги бола мактабга бормади, боз устига уларнинг 5/3 қисмини қизлар ташкил этади. Сахара жанубида жойлашган Африка давлатларида бошланғич мактабда ўқиётган



болаларнинг фақат учдан бир қисми бошланғич синфларни тамомламоқда. Даромади кам мамлакатларда саводхонликни тугатиш борасида қўлга киритилаётган ютуқларга қарамай, ҳар тўртинчи ёш йигит ва ҳар учинчи катта ёшли киши ўқиш ҳамда ёзишни билмайди. Бу гуруҳдаги мамлакатларда тегишли ёшдаги аҳолининг атиги 4/3 қисмигина умумий бошланғич таълим билан қамраб олинган. XXI аср арафасида ривожланаётган мамлакатларда бошланғич мактаб ёшидаги 680 миллион ёки қарийб 17 фоиз бола мактабга бормаган.

Инсон тарраққиёти туғрисида маъруза 27 табга бормайдиган болаларнинг 40 миллион нафари Ҳиндистон улушига тўғри келади. Бу эса бутун дунёда бошланғич таълим билан қамраб олинмаган жами болаларнинг 3/1 қисмини ташкил этади. Жумладан, жон бошига ўртача даромади паст бўлган мамлакатларда синфларда ўқувчиларнинг ортиқчалиги туфайли бошланғич таълимнинг сифатсизлиги муаммоси жиддийлигича қолмоқда. Шу ва бошқа қатор сабабларга кўра, бошланғич синфларнинг ҳар ўн еттинчи ўқувчиси синфдан синфга қолмоқда, бошланғич таълимни эгаллаган ҳар олтинчи бола эса кейинчалик ўқишни давом эттирмайпти. Ўрта, кейинчалик олий маълумотга эга бўлиш имконияти ўртасидаги жиддий тафовут ўқишнинг ўртача давомийлигига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Саҳара жанубидаги Африканинг 70-йилларнинг иккинчи ярмида туғилган ўртача статистик фуқароси 6 йилликдан ҳам кам мактаб маълумотига эга. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш мамлакатларидаги унинг тенгдоши эса 14 йиллик маълумотга эга.

2. Ўзбекистондаги таълим тизими ҳолати.

МДҲ мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонда таълим даражаси кўрсаткичи жуда юқори. Бунинг устига Ҳамдўстлик мамлакатларининг барчасида бу кўрсаткич кутилаётган умр кўриш давомийлиги ва ялпи ички маҳсулот кўрсаткичидан ҳам юқори. Ўзбекистон таълим даражаси бўйича дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторида туради. Ўзбекистонда таълим кўрсаткичи 0,998 ни ташкил этса, айна пайтда дунёда бу кўрсаткич 0,77 ни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари бўйича. 2006 йилдаги Инсон тарраққиёти туғрисидаги маърузада 0,92 кўрсаткич келтирилган.

Ўзбекистон таълим кўрсаткичи бўйича Европа Иттифоқи таркибига кирадиган

- Мальта (0,86),
- Руминия (0,90),
- Хорватия (0,90),
- Марказий Американинг саноати энг ривожланган мамлакати Коста-Рика (0,87)
- Хитой Гонконгидан (0,88) олдинда.



Минимал кўрсаткичга эга мамлакатлар таққослаш учун

Австралия	Бельгия	Буркина-Фасо.	0,23
АҚШ.			0,97
Дания	Исландия	Мали.	0,24
Россия.			0,95
Ирландия	Испания	Нигер.	0,26
Япония.			0,94
Норвегия	Словения	Чад.	0,29
Бразилия.			0,88
Финляндия	Швеция	Гвинея.	0,34
Хитой.			0,84
Янги Зеландия	Жанубий Корея	Сенегал.	0,39
Индонезия.			0,83
Голландия,	Гвинея-Бисау.		0,39
Ҳиндистон.			0,61

Ўзбекистонда умумий бошланғич ва ўрта таълим муаммоси тўлиқ ҳал этилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ 2009 йилдан сўнг республикада умумий ўрта касб-хунар таълими муаммоси ҳам тўлиқ ҳал қилинади. Тегишли гуруҳдаги ёшлар 12 йиллик ўқишдан кейин ўрта махсус маълумот тўғрисида диплом билан бирга муайян касбни эгаллаганини тасдиқловчи аттестатни ҳам олади.

Ўзбекистон катта ёшдаги аҳоли саводхонлиги даражаси бўйича (99,3%) умумий таълимни ташкил этишга бундай ёндашув натижасида

- Италия (98,4),
- Испания, Жанубий Корея (98)
- Исроил (97,1%) каби иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланган мамлакатларни ортда қолдирмоқда.

Республикада кейинги ўн йил мобайнида кўплаб МТТ, мактаблар, коллежлар, лицейлар ва уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш эвазига педагоглар ҳамда ўқувчилар сони кўпаймоқда, таълим муассасаларининг моддий техника базаси ривожлантирилмоқда. Бакалаврият ва магистратура мутахассислигига қабул қилиш тегишли равишда 1,3 ва 2 мартага ошди, боз устига олий ўқув юртларига қабул қилинган хотин-қизлар сони ҳам жадал суръатда ўсди — 1,6 марта. 2005–2006 йилларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва

3. Хорижий давлатларда илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш

Мақтабгача таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан ярим миллиард АҚШ долларидан



ортиқ маблағ ажратилди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида 2004 йилда ўртача ўқиш муддати 12 йилни ташкил этди.

Бу масалан, Озарбайжон, Арманистон, Туркия ва инсон ривожланиши бўйича ўртача индексга эга бошқа қатор мамлакатларга қараганда анча кўпдир. Бироқ фақат миқдорий кўрсаткичлар билангина таълимнинг инсон ривожланишига таъсирини тўлиқ баҳолаб бўлмайди. Таълимнинг сифати жамиятни ривожлантирувчи омил ва ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Таълим қашшоқлик, муҳтожлик, ижтимоий тенгсизликка қарши курашишда амалий восита сифатида хизмат қилади. Таълим дунёқарашни шакллантириш, инсоннинг турмуш тарзини танлашини кенгайтиришга ёрдам беради, инсон ва жамият ҳаёти ҳамда фаолиятининг турли жиҳатларига таъсир кўрсатиш механизмига айланади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Янги шароитлардан келиб чиқиб, «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, 2017-2021-йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, мактабгача таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳамда педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тақозо этади.

Назорат саволлари:

1. Жаҳон ҳамжамиятида таълимни ривожланиши асослари
2. Ўзбекистондаги таълим тизимидаги аҳвол қандай?



3. Хорижий давлатларда илмий-тадқиқот жараёнларини қай тарзда ташкил этилади?
4. Таълимнинг сифати жамиятни ривожланишига таъсир этадими?
5. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонининг 4- бўлими қандай номланган?

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017. – 102б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
3. Раҳимов Ш. Асосий вазифа – болаларни таълимга қамраб олиш.// “Мақтабгача таълим” журналы, 3-сон, 2017. 2-3 бет.
4. Куронов М. Болам бахтли бўлсин, десангиз...: ота-оналар учун. – Т.: Маънавият, 2013. – 320 б.

Мавзу 5: Мақтабгача педагогика фанларининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар ва уларнинг муаллифлари фаолияти. Соҳа илмий мақтаблари фаолияти. Илмий мақтабларда эришилган ютуқлар.

Режа:

- 1. Мақтабгача педагогика фанларининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар**
- 2. Мақтабгача таълимида таълим-тарбия ишларни такомиллаштириш**
- 3. Илмий мақтабларда эришилган ютуқлар**

Таянч тушунчалар: фанларнинг ривожланиши, ривожланиш қонуниятлари, илмий назариялар, илмий мақтаблар, таълим-тарбия ишлари, мақтабгача педагогика, таълим-тарбия ишлари, мақтабгача таълим.

- 1. Мақтабгача педагогика фанларининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар**

Педагогика фани кишига ҳар томонлама тарбия бериш, ҳар бир шахсни ҳамма ёш даврларида уйғун ривожлантириш қонуниятлари тўғрисидаги фандир. Шу боис, педагогика фани инсонни ҳар томонлама тарбиялаш ҳақидаги фан бўлиб, тарбия соҳасидаги жамият талабларини амалга ошириш йўлида хизмат қилади.

Мақтабгача педагогика эса болага туғилганидан то етти ёшигача ҳар томонлама тарбия бериш қонуниятларини ўрганади ва боғча шароитида таълим-тарбия ишини ташкил этишнинг мазмуни, методи ва шаклларини ишлаб чиқади.

Инсон тарбиясига оид қонунлар дастлаб халқ оғзаки ижодида: эртак, қисса, панднома, мақол ва матал кабиларда, кейинроқ ёзма ёдгорликларда, ҳадисларда асослаб берилган.

Таълим-тарбия ишларининг такомиллашиб боришида Шарқ ва Ғарбнинг қомусий олим ва педагогларининг ўрни каттадир. Марказий Осиёлик машҳур алломалар: Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Фурқат, Абдулла Авлоний каби жаҳон тан олган мутафаккирлар ўзларининг қатор асарларида таълим-тарбияга катта эътибор билан қараганлар.

Файласуф олим Форобий ўзининг «Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари» асарида тарбия орқали инсонга бериладиган 12 фазилатни шарҳлаб беради.

Абдулла Авлоний эса тарбия ҳақида ғоят ибратли фикрларни билдиради. «Педагогика — Абдулла Авлонийнинг ёзишича, — бола тарбиясининг фани, демакдир». «Даре ила тарбия ... иккиси жон ила тан кабидир», «Даре олувчи— билувчи, тарбия олувчи— амал қилувчидир». Бу ерда педагогика фанига қисқа ва лўнда таъриф бериб, таълим билан тарбияни эса жон билан танга ўхшатиб, уларни бир-биридан ажратиб тушуниш мумкин эмаслигини ёрқин ифодалаб берган. Авлонийнинг таъкидлашича, тарбияни ёшлиқдан бериш ниҳоятда зарур. Болага аввало, кичик ёшдан бошлаб, ота-она тарбия беради, кейин тарбия билан бутун жамоатчилик шуғулланади, чунки бунда инсон тақдири ҳал этилади дейди.

Демак, педагогиканинг бош масаласи тарбия саналади. Тарбия жараёнида эса боланинг онги, хистуйғулари шаклланади. Энг муҳими ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий муносабатларга хизмат қиладиган хулқий одатлар ҳосил бўлади.

Мақтабгача таълим педагогикаси болаларнинг, ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Мақтабгача тарбия муассасалари ҳам болаларни ҳар томонлама тарбиялайди. Бола ҳаётидаги илк ёш энг муҳим давр бўлиб, худди мана шу даврда боланинг жисмоний, ахлоқий, меҳнат, эстетик ривожланишига пойдевор бўлади.

2. Мақтабгача таълимида таълим-тарбия ишларни такомиллаштириш



«Мактабгача таълим педагогикаси» фани «Педагогика» фанининг бир қисми бўлиб, ўзининг назарий, илмий ва амалий асосларига эга. Мактабгача таълим педагогикаси фанининг назарий асослари: ёш авлодни баркамол шахс қилиб тарбиялашга қаратилган, таълим-тарбия борасида яратилган тажрибаларга, назарий ва методик манбаларга, Ўрта Осиё ва жаҳон тан олган буюк мутафаккир олимларнинг асарлари ва таълим-тарбиянинг умумий қонуниятларига асосланади.

Мактабгача таълим педагогикаси фанининг миллий асослари- таълим-тарбия муаммоларини, муайян миллагнинг миллий кадриятларини умумбашарий ва умуминсоний кадриятлар билан боғлаган ҳолда ҳал этиш, ҳар бир миллатнинг маънавий мероси ва миллий кадриятларига таянган ҳолда миллий тарбия масалаларини ёш авлод онгига етказиш мазмуни, усул, метод ва тамойилларини миллийлаштиришдан иборат. Ўсиб келаётган ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама камол топтириш, унинг онги, дунёқараши, эътиқодини ўстириш, хулқ-атворини таркиб топтириш мактабгача педагогика фанининг долзарб муаммоларидан саналади. Ҳозирги даврда ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари маънавий бойлик, ахлоқий поклик, жисмоний мукамалликни ўзида мужассамлаштирган ижтимоий фаолликни тарбиялашни тақозо этади.

Мактабгача таълим педагогикаси фанининг мақсади тарбиячи мураббийларнинг ўз олдига аниқ мақсад қўйиши, ёш авлодни ҳар томонлама ривожланган етук шахс қилиб тарбиялаш учун ўз устида ишлаши, интилиши, изланиши, аёлларни замон талаблари асосида тарбиялаш учун тарбиянинг янги усул ва воситаларидан кенг фойдалана олиш каби тарбиячилик маҳоратини шакллантиришга қаратилади.

Ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, таълим ва тарбия самарадорлигини замон талаблари асосида таъминлаш, уни дунё талаблари даражасига олиб чиқишга эришиш, ёш авлодга таълим-тарбия беришда миллий ва умуминсоний кадриятларга таяниш орқали таълим-тарбиянинг моҳияти, мазмунини шакллантириш ва такомиллаштириш, мактабгача таълим педагогикаси фанининг қоида ва қонунларини халқимизнинг бой тажрибалари асосида бойитиб бориш ва унинг янги қирраларини излаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидир.

Шунингдек, мустақиллик шароитида узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш мактабгача таълим педагогикаси фани олди га қатор вазифаларни қўймоқда.



Мақтабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш вазифалари эса шахсни тарбиялаш мақсадлари асосида уларнинг ёшига ва хусусиятларига қараб белгиланади.

3. Илмий мақтабларда эришилган ютуқлар

Мақтабгача тарбия ёшидаги бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбия мажмуасидан иборатдир.

Бу соҳада Шарқ ва Ғарб халқлари яратган оғзаки ижодиёт, буюк мутафаккир, педагог ва олимларнинг таълим-тарбияга дойр илғор фикрларини ўрганиб, таҳлил қилиб, баркамол инсонни тарбиялаш жараёнини ўрганиш биз учун жуда қимматлидир:

— таълим-тарбия тўғрисидаги қонун-қоида тамойил, метод ва усулларни болалар боғчалари амалий ҳаёти билан боғлаб, бўлажак тарбиячи

— ўқитувчиларга ўргатиш ҳамда халқ таълимини бошқариш ва раҳбарлик масалаларини чуқур ўрганиб, бўлажак тарбиячиларни қандай тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиш;

— мақтабгача тарбия муассасаларида оила билан узвий ҳамкорликда болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ишини амалга ошириш.

Бундай вазифаларда тадқиқ этиш:

— биринчидан, болалар соғлиғини сақлайди ва мустаҳкамлайди, жисмоний ривожланишини таъминлайди;

— иккинчидан, илмга қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантиради;

— учинчидан, Ватанга, табиатга, жонажон ўлкага муҳаббат, катталарга ҳурматни, ўртоқлик ва жамоатчилик, хайрихоҳлик, хулқ маданияти, мустақиллик, уюшқоқлик ва интизом, меҳнатсеварлик каби ижобий фазилатларни тарбиялайди;

— тўртинчидан, эстетик тарбияни амалга оширади.

Кейинги йилларда жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбия бўйича олиб борилган илмий-педагогик тадқиқотлар мақтабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш вазифаларини уларнинг психик-физиологик имкониятларини эътиборга олган ҳолда белгилаш зарурлигини кўрсатиб берди. Улар болалар боғчасининг «Учинчи мингйилликнинг боласи» таянч дастурида ўз аксини топган.

Илмий тадқиқот ишлари таълим-тарбия самарадорлигини ошириш билан боғлиқ вазифаларни халқ таълимининг ҳамма бўғинларидаги ўқув-тарбиявий ишларни келгусида янада яхшилаш йўлларини топиш учун амалга оширилади.

Илмий тадқиқот методлари (метод — лотинча йўл деган маънони англатади) орқали амалга оширилади. Илмий тадқиқот ишида олимлар педагогика, мақтабгача таълим педагогикаси ва психология фанининг



вакиллари, мактаб ўқитувчилари, болалар боғчалари тарбиячилари ва шунингдек, тарбия бериш амалиёти билан бевосита боғлиқ бўлган кишилар қатнашадилар.

“Таълим туғрисида” ги Конунда белгилаб беришганидек, мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук мактабда уқишга тайёргарлик даражасида шакллантириш мақсадида ташкил этилади. Ушбу таълим боланинг олти-етти ёшга тулгунга қадар оилада МТМ (яслилар уч ёшгача булган болалар учун; болалар боғчалари 3 ёшдан 6-7 ёшгача булган болалар учун) ва мулк шаклидан катъий назар таълим муассасаларида олиб борилади³. “Мақтабгача таълим концепцияси”да курсатиб уга⁴анидек, мактабгача таълим - куп томонламали, мақсадга йуналтирилган, боланинг таълимнинг кейинги босқичи - мактаб таълимига тайёрловчи, жисмоний, рухий, индивидуал ва ёшга дойр ривожланишини таъминловчи таълим ва тарбия жараёнидир⁴. Узбекистон Республикасвда мактабгача таълимни ривожлантириш мақради куйцдагаларда акс этади; МТМнинг мақомини ошириш; отаоналарнинг талаб ва таклифларини инобатга олган холда, МТТнинг хилма-хил турларини ривожлантириш учун шароит яратиш. Мақсадга эришиш учун куйидаги вазифаларни хал этиш зарур: 1) МТТнинг давлат тизимини саклаб қолиш; 2) мактабгача таълимга куйиладиган Давлат талабларини аниқлаштириш; 3) мактабгача таълимнинг янги мазмун ва технологиясини ишлаб чиқиш; 4) вариативлик, очиклик, оила, мактаб, махалла, нодавлат ташкилотлар билан хамкорликни ташкил этиш тамойилига мувофик МТТнинг ташққшй тузилишига узгартиришлар киритиш; 5) жамият ривожланиши билан боғлиқликда куйиладиган талаблар ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб мактабгача таълимнинг уз вақтида ва мувафаккиятли мослашувига эрипшш; 6) мактабгача таълимдаги узгаришларга тезда мослаша оладиган МТТ учун кадрлар тайёрлашнинг тизимини такомиллаштириш. Мақтабгача таълимнинг вазифаларига эса куйидагилар киради:

1) болаларни халкнинг бой миллий, маданий-тарихий мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида аклий ва маънавий-ахдокий жихатдан тарбиялаш;

2) болаларда миллий гурур, ватанпарварлик хисларини шакллантириш;

3) мактабгача таълим ёшвдаги болаларда билим олиш эҳтиёжини, уқишга интилиш мойлларини шакллантириб, уларни мунтазам равишда таълим жараёнига тайёрлаш;

4) болаларнинг тафаккурини ривожлантириш, узининг фикрини мустакил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантириш;

5) болаларнинг жисмоний варучий саломатлигини таъминлаш.

Жамият ривожининг хозирги босқичида юз бераётган ижтимоий, иктисодий, маънавий-маърифий узгаришлар таълим соҳасини тубдан ислох



килиш, уни утмишдан колган мафкуравий карашлар ва саркитлардан тула хал ос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлокий талабларга жавоб берувчи юкори мал акали кадрлар тайёрлаш хамда таълим - тарбия жараёнини такомилл аштириш оркали самарадорликни оширишни такозо этмоқда. Таълим тизими олдидаги давлат буюртмаси Ўзбекистон Республикаси “Таълим туғрисида”ги Конуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг асосий ғояларида уз аксини гояларида уз аксини топтан. Мазкур хужжатларда узлуксиз таълим болаларни укув фанлари буйича муайян билимларни эгашшшгари баробарида, уларнинг билим олишга булган эхтиёжи, мустакил ва ижодий фикрлаш, ташкилотчилик кобилиятлари, амалий тажриба ва мехнат куникмаларини ривожлантириш, миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган маънавий - ахлокий фазилатларни, атрофмухитга онгли муносабатни таркиб топтириши лозимлиги кайд этилган. Шунингдек, болаларни маънавий-ахлокий тарбиялаш ва таълим-тарбия ишларининг самарали шакллари ва усулларини ишлаб чикиш, уларни амалиётга жорий этиш курсатилган. Бу вазифаларни амалга ошириш узлуксиз таълим тизимида педагогик фаолият курсатадиган тарбиячилар зиммасига юкланади. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” юксак умумий маданиятга ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолиқка, сиёсий хамда ижтимоий хдётда тугри йул топа билиш махоратига эга булган, истикбол вазифаларини илгари суриш ва хал этишга кодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш, шунингдек, хар томонлама камол топтан, жамиятда, давлат ва оила олдида уз жавобгарлигини хис этадиган фукараларни тарбиялашни назарда гутган педагогик гояни илгари суради.

Ушбу педагогик ғоя таълим тизими олдида:

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган хукукий-демократик давлат курилиши жараёнларига мослаш;

- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий таракдиёти истикболларидан, жамият эхтиёжларидан, фан.маданият, техника ва технология нинг замонавий ютуқларидан келиб чиккан холда кайта куриш;

- таълим олувчиларни маънавий-ахлокий тарбиялашнинг самарали шакллари ва услубларини ишлаб чикиш хамда жорий; этишни хал этиш вазифаларини кундаланг килиб куйди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим туғрисида”ги Конуннинг 30-моддаси оркали -фарзандлар тарбияси ва таълим олишлари, уларнинг конуний хукуклари ва манфаатлари химояси борасида ота-оналарнинг урнига жавобгарлиги оширилди. “Ўзбекистон Республикасида мақтабгача таълим



туғрисида”ги Низомга мувофиқ бола мактабгача таълимни оилада, мактабгача таълим муассасаларида олади.

“Мактабгача педагогика” фани орқали талабалар илк ёшдан егги йшгача булган болаларни оилада ва МТТда таълим-тарбия ишлари мазмуни, методлари, уни ташкил этиш шакллари ва болаларни мактабга тайёрлашнинг самарали усуллари билиб олади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги ПК;-1533-сонли ҳамда 2011 йил 4 июлдаги “2011-2012 уқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул туғрисида”ги ПК,-1564-сонли қарорлари асосида янгиланган олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ 2011 йилнинг 16 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги томонидан модернизациялашган давлат таълим стандартлари ва уқув режалари тасдиқланди. Янги давлат таълим стандартлари ва уқув режалари асосида барча уқув курслари фан дастурлари ҳам қайта такомиллаштирилди. Сунгги йилларда республикада мактабгача таълим тизимида туб ислохотлар амалга оширишшб, “Мактабгача таълим концепцияси”, “Илк қадам” Давлат дастури қаби қатор меъёрий-ҳуқуқий асослар.

Назорат саволлари:

1. Мактабгача педагогика фанларининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар
2. Мактабгача педагогика фанидаги муаллифлари фаолияти.
3. Соҳа илмий мактаблари фаолияти.
4. Илмий мактабларда эришилган ютуқлар қандай?
5. Мактабгача таълимида таълим-тарбия ишларининг такомилланиши йўллари кўрсатиб ўтинг
6. Илмий мактабларда қандай ютуқларга эришилган ?



IV. АМАЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-амалий машғулот: Хорижий мамлакатларда мақтабгача таълим тизими.

Мақтабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш. Мақтабгача таълимнинг хорижий давлатлардаги тизими. Ўзбекистондаги мақтабгача таълимини ажралиб турган тамойиллари.

Топшириқ: Хорижий давлатларда таълим тизимини таҳлилин қилиш

Блиц-сўров:

1. Луғавий маъносига кўра “таълим тизими” –
2. Мазмунига кўра “рахбарлик” –
3. Махсус (касбий) маҳорат –
4. Ижтимоий мослашув –
5. Шахсий хусусиятлар –
6. Индивидуал ёндашув –
7. Экстремал касбий компетенциялар –
8. Технологик янгиликлар –
9. Индивидуал ривожланиш дастури –

Мақтабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мақтабгача таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, уларнинг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш мақсадида:

- замонавий ижтимоий-ҳаммабоп мақтабгача таълим муассасаларини ташкил этиш мақсадида инвесторларга ер участкалари, бўш турган бинолар, шу жумладан, фаолият юритмаётган ва тарбияланувчилар сони кам бўлган давлат мақтабгача таълим муассасаларини беғараз ажратиш;

- инвесторларга мақтабгача таълим муассасаларини, айниқса шундай муассасаларга юқори эҳтиёж мавжуд ва инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда ташкил этиш учун зарур бўлган солиқ имтиёзлари ва бошқа преференцияларни, шунингдек, имтиёзли кредитларни тақдим этиш имконияти;

- инвесторлар томонидан ваколатли давлат органлари билан 50 йил муддатга тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув асосида лойиҳани амалга ошириш;



- инвесторлар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда назарда тутилган шартларга, мақтабгача таълим соҳасидаги давлат талабларига, санитария-гигиена нормаларига қатъий риоя этиш, келишув амал қилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш, шунингдек, мақтабгача таълим муассасалари хизмати нархининг ижтимоий ҳаммабоплигини таъминлаш;

- давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни бекор қилиш механизмлари.

Қарорга кўра, мақтабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича:

- мақтабгача таълим соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқларни, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни юзага келтирувчи нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш ва таҳлил этиш;

- мақтабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга оширишга, шу жумладан, зарур инфратузилмани яратишга, ходимларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришга, педагогик кадрларни сифатли тайёрлаш ва малакасини оширишга, шунингдек, мақтабгача таълимнинг хусусий секторини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда комплекс ўрганиш;

- мақтабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сифатли мақтабгача таълимни ташкил этишга давлат талабларини қайта кўриб чиқиш;

- мақтабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилишнинг амалдаги тартибини, ваколатли давлат органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳолатини танқидий ўрганиш;

- мавжуд амалиёт ва илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, нодавлат мақтабгача таълим муассасалари фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- мақтабгача таълим муассасаларини ўқув-тарбиявий адабиётлар билан таъминлаш тизимини таҳлил қилиш;

- мақтабгача таълим муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини ўрганиш ҳамда сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатлар етказиб беришнинг шаффоф ҳамда соддалаштирилган тизимини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш;



• мактабгача таълим соҳасида қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишлар белгиланди.

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади.

2-амалий машғулот: Мактабгача таълимни ривожлантиришга замонавий ёндашувлар.

Илғор тажрибаларни таҳлили. Хорижий давлатлардаги мактабгача таълимга эътибори. Таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги хорижий тажрибалар.

Топшириқ: Мавзу юзасидан блиц-сўров саволларига жавоб бериш

	Мазмуни
Тажриба	
Таҳлил	
Модул	
Шароитлар	
Ижтимоийлашув	
Хизмат	
Ривожлантириш	
Таълим	
Тарбия	
Маънавият	
Мулоқот	
Ҳамкорлик	

Хорижий давлатлар илғор тажрибасининг таҳлили замонавий мактабгача таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш учун шароитларни яратишга йўналтирилганлиги билан тавсифланиб, боланинг ижобий ижтимоийлашуви имкониятларини намоён қилиш, унинг ҳар томонлама шахсга оид маънавий-ахлоқий ва онгли ривожланиши, мактабгача ёшга оид тегишли фаолият турлари асосида ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, мулоқот доирасида катта ёшдагилар ва тенгдошлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини очишга қаратилган.

Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида

республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Бироқ ўтказилган таҳлиллар мақтабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ва натижаси етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.


Жумладан, сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мақтабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайган бўлиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мақтабгача таълим билан қамраб олиниши 30 фоизни ташкил этади. Шунингдек, мақтабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замонавий талабга жавоб бермайди.

Мақтабгача таълим тизимида вариатив дастурлар жорий этилмаган, болаларни мақтабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделлар етарли даражада ривожланмаган ҳамда тараққий этган мамлакатлар сингари ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш, атроф муҳит билан танишувга йўналтирилган махсус давлат таълим дастурлари татбиқ қилинмаган.

Давлат мақтабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, бу болаларни мақтаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермайди.

Бундан ташқари, мақтабгача таълим сифати мониторингини юритиш тузилмавий ва ташкилий жиҳатдан назарда тутилмаганлиги сабабли, мақтабгача таълим муассасаларидаги таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш замон талабларига жавоб бермайди.

«Нима учун?» техникасиндан фойдаланиш.
«Нима учун?» техникасининг схемадаги кўриниши



«Нима учун?» техникаси схемасини тузиш қоидалари

1. Сиз хорижий давлатлар илғор иш тажрибаларидан қандай фойдаланасиз.
2. Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.
3. Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим

3-амалий машғулот: Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари.

Мақтабгача таълимда кредит-модуль тизими. Европа ягона таълим муҳити (Болонья жараёни)да мақтабгача таълим.

Топшириқ: Таълимда кредит-модуль тизимини мақсади ва асоси.

Кредит-модуль тизими, бу — таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Уни бир бутунликда олиб бориш серқирра ҳамда мураккаб тизимли жараёндир. Кредит-модуль тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилади: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш; талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Кредит-модуль тизимининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

- ўқув жараёнларини модуль асосида ташкил қилиш;
- битта фан, курс (кредит)нинг қийматини аниқлаш;
- талабалар билимини рейтинг бали асосида баҳолаш;
- талабаларга ўзларининг ўқув режаларини индивидуал тарзда тузишларига имкон яратиш;
- таълим жараёнида мустақил таълим олишнинг улушини ошириш;
- таълим дастурларининг қулайлиги ва меҳнат бозорида мутахассисга қўйилган талабдан келиб чиқиб ўзгартириш мумкинлиги.

Педагогиканинг асосий тушунчалари

<i>Педагогиканинг асосий тушунчалари</i>		
Тарбия	Таълим	Маълумот
Педагогик ҳодиса булиб, ёш авлодга илмий билимлар системасини, малака ва кўникмаларни махсус метод ва воситалар орқали режали равишда сингдириб бориш ва унинг натижасида ҳар томонлама шаклланган кишини	Ижтимоий зарур билимлар, муайян кўникма ва малакаларни ўқувчиларга сингдириш, уларнинг онгига, хулқига таъсир этиш, дунёқараши ва билиш фаоллигини ривожлантиришдир. У инсонни меҳнатга, ҳаётга тайёрлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Таълим бериш жараёнида тарбия ва маълумотнинг	Асосий педагогик тушунча бўлиб, унинг ижтимоий ҳаёт воқеаларини объектив акс эттиришдир. Маълумот кишини билишга бўлган талабини таъминлаб, ундаги қобилиятларни маълум даражага кўтаради ва амалий фаолиятга тайёрлайди. Маълумот таълимнинг



тарбиялашни мақсад қилиб қўяди.	мақсади амалга оширилади. Таълим икки томонлама жараён - ўқитиш ва ўқишни ўз ичига олади.	натижаси бўлиб, у киши томонидан билим, малака ва кўникмаларни мустақил эгалашдир.
Ўқитиш – педагогик фаолият бўлиб, у билим кўникма ва малакаларни болаларга сингдириш, уларнинг билим ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир.		
Ўқиш – болаларнинг билим, малака, кўникмаларни эгаллашдаги амалий фаолиятидир. У ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди.		

Юқоридагилар дарс машғулотларини нафақат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларини шакллантиришга ўргатишдан иборатдир. Мухтасар айтганда, мазкур тизим талабанинг касбий ривожланиши ва камолотига йўналтирилган. Илм соҳибининг бутун ҳаёти давомида билим олишини таъминлашга ҳамда меҳнат бозори ва замонавий талабларга жавоб бера оладиган инсон капиталини шакллантиришга қаратилгандир.

Келинг, шу ўринда модуль ва кредит тушунчалари моҳиятига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Модуль — бу, бир нечта фан ҳамда курслар ўрганиладиган ўқув режасининг бир қисми. У талабаларда маълум бир билим ва кўникма ҳосил қилиш, таҳлилий-мантиқий мушоҳада юритиш салоҳиятига эга бўлишига қаратилган бир нечта фанлар (курслар) мажмуи ҳисобланади. Бунда ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил қилади, жонли, видео ҳамда аудио маърузалар ўқийди, талабанинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади. Талаба эса мавзунини мустақил ўрганади ҳамда берилган топшириқларни бажаради.



4-амалий машғулот: Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услугий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тадбиқ этилиши.

Топшириқ: Мавзу юзасидан блиц-сўров саволларига жавоб бериш. Германия, Англия, Япония, Жанубий Корея ва Америка Қўшма Штатлари таълим тизими ҳақида савол-жавоб тузиш.

“Инсерт” жадвали

Тушунчалар	В	+	-	?
Хорижий давлатларда таълим тизимининг фарқлиги				
МТТ раҳбарларини малакаларини шакиллантириш аҳамияти				
Мақтабгача таълим ташкилотларида раҳбарини шахсий хусусиятлари				

Жахоннинг юксак даражада тараққий этган давлатларида таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши, мақтабларда амалга оширилганини ўрганиш орқали биз мустақил республикаимиз миллий таълим тизимларини янгитдан ташкил қилишда, таълим тарбияда, мақтаб ишини ташкил этишда эскириб, ўз долзарблигини йўқотиб бораётган фаолият шакллари ва усулларидан тезроқ халос бўлиш, уни муносиб тарзда янгилашда қўшимча бой манбаларга ҳам эга бўламиз. Зотан, хозирги замон таълимида давлат ва жамият талаби ва манфаатлари акс этиб туриши керак. Илмий-техника тараққиёти, янги технологик революция шароитида муваффақиятли фаолият кўрсата оладиган жамият аъзоларини етиштириб бериш, ёш авлодни касб-хунарга йўналтириш ҳамда ўрта таълимнинг кўп вариантли учинчи босқичини жорий этиш, таълим-тарбия беришда энг илғор педагогик воситаларни қўллаш, таълимда ташаббускорлик ва ижодкорликка кенг йўл очиш, унинг энг мақбул тизимларини яратиш каби чет эл тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда кенг қўламдаги ислохотларни ўз бошидан кечираётган бизнинг таълимимиз учун бу катта аҳамиятга эга. Кейинги йилларда чет эл



таълими бўйича кўпгина маколалар, брошюралар, кўлланмалар чоп этилди, унга бағишлаб семинарлар, анжуманлар, ўқувлар, учрашувлар ўтказилди. Бу бизнинг таълим тизимларимизда, чет элларда ўқув тарбия ишларининг қўйилишига этибор ва қизиқишнинг тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигидан далолатдир. Халқ таълими тизимларида чет эл таълимини ўрганиш билан шуғулланувчи муассасалар ҳам ташкил топмоқда. Бу масала билан Республика ўқув-методика марказида, педагогика фанлари илмий тадқиқот институти таркибида махсус бўлимлар фаолият кўрсатмоқда, малака ошириш марказий институтида бир катор кафедралар иш билан шуғулланмоқдалар.

5-амалий машғулот: Мақтабгача педагогика фанларининг ривожланишига доир энг сўнгги илмий назариялар ва уларнинг муаллифлари фаолияти. Соҳа илмий мақтаблари фаолияти. Илмий мақтабларда эришилган ютуқлар. Мақтабгача педагогика соҳасида яратилган янги ўқув ва илмий адабиётлар таҳлили.

Топшириқ. Педагогиканинг асосий тушунчалари

<i>Педагогиканинг асосий тушунчалари</i>		
Тарбия	Таълим	Маълумот

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ўсиб бораётган авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук вояга етказиш, таълим-тарбия жараёнига самарали таълим ва тарбия шакллари ҳамда усулларини жорий этишга қаратилган мақтабгача таълимнинг самарали тизимини ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мақтабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар нодавлат мақтабгача таълим муассасалари сонини янада ошириш ва улар кўрсатадиган хизматлар турларини кенгайтириш учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

Шу билан бирга, олиб борилган таҳлил, болаларнинг мақтабгача таълим билан қамровини таъминлаш, мақтабгача таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик материаллар ва бадий адабиётлар билан тўлдириш, соҳага малакали педагог ва бошқарув кадрларини жалб қилиш масалаларини ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мақтабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда - Концепция) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги "Мақтабгача таълим



тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3955-сон қарорини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, 2030 йилгача мақтабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Концепция Ўзбекистон Республикасида мақтабгача таълимни ривожлантиришнинг мақсадлари, вазифалари, устувор йўналишлари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда мақтабгача таълим соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Мақтабгача таълимни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати ишлаб чиқиладиган меъёрий-ҳуқуқий базада ўз аксини топади.

Мақтабгача таълим соҳаси кўплаб қонун ҳужжатлари билан тартибга солинишига қарамай, мақтабгача таълим хизматларини кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Шу муносабат билан, Концепцияни амалга ошириш доирасида мақтабгача таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1) илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишга қўйиладиган амалдаги давлат талабларини қайта кўриб чиқиш ҳамда қуйидагиларни назарда тутувчи Мақтабгача таълимнинг давлат стандартини ишлаб чиқиш:

- мақтабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида шакллантирилиши лозим бўлган билимлар, кўникмалар ва маҳоратларга қўйиладиган талабларни;

- болаларни парваришлаш, уларга қараш, соғлиғини сақлаш ва яхшилаш бўйича хизматлар кўрсатиш тартибини;

2) мақтабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини моддий ресурслар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш нормативларини тасдиқлаш;

3) мақтабгача таълимнинг муқобил шакллари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

4) мақтабгача таълим ташкилотларининг намунавий уставларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

5) касалликларнинг профилактикаси ва диагностикаси тартибини такомиллаштириш, шунингдек, идоралараро ўзаро ҳамкорлик механизмлари орқали болаларни психологик-тиббий-педагогик қўллаб-қувватлашни таъминлаш;



6) мақтабгача таълимни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган халқаро меъёрлар ва стандартларни имплементация қилиш;

7) мақтабгача таълим ташкилотларида инновацион педагогик фаолиятни ва уни молиявий қўллаб-қувватлашни тартибга солувчи меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

6-амалий машғулот: Европа ягона таълим муҳити (Болонья жараёни)да мақтабгача таълим.

Топширик: Объектларнинг умумий белгиларини топиш. Болонья тизими ва классик европа таълим тизимига тааллуқли, бироқ, бир-бири билан мутлақо кам боғланган ёки мутлақо боғланмаган 2 та объектни олинг. Қуйидаги жадвал асосида уларга тааллуқли ўзаро ўхшаш жиҳат (белги)ларни топишга ҳаракат қилинг.

Намуна

Бир-бири билан мутлақо кам боғланган ёки мутлақо боғланмаган объектлар	
Болонья таълим тизими	Классик европа таълим тизими

Замонавий Европада ягона касбий таълим маконини яратилиши учун илк қадамлар 1949 йилда қўйилди.

Худди шу йили асосий мақсади Европада ижтимоий, иқтисодий жараёнлар кечиши ва бирлигини таъминлашдан иборат бўлган биринчи халқаро ташкилот – Европа Кенгаши ташкил этилди. Болонья жараёни ягона Европа олий таълими маконини яратиш мақсадида Европа мамлакатлари олий таълим тизимининг бир-бирига яқинлашиши ва ўзаро уйғунлашуви жараёнидир. Ушбу жараённинг расман бошланиш муддати 1999 йилнинг 19 июни деб эътироф этилган. Бинобарин, худди мана шу санада 29 мамлакат вакиллари иштирокида Болонья декларацияси имзоланган эди. Айни вақтда мазкур тизим ўзига 1954 йилда Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган Европа маданияти Конвенциясини ратификация қилган (олий давлат ҳокимияти органи тасдиқлаган) 49 мамлакатдан 47 иштирокчи мамлакатларни қамраб олган. Болонья тизимининг асосий мақсади ижтимоий субъектлар томонидан олий маълумот олиш

имконини кенгайтириш, Европа олий таълимнинг сифати ва самарадорлигини истиқболли ошириш, талабалар ҳамда ўқитувчиларнинг ҳаракатчанлиги, фаоллигини ривожлантириш, шунингдек, академик даража ва бошқа касбий малакаларнинг меҳнат бозорига йўналтирган ҳолда олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан муваффақиятли таъминлашдан иборат.

Мазкур тизимни қабул қилган мамлакатлар олий касбий таълимни замонавийлаштириш, олий ўқув юртларининг Европа комиссияси томонидан молиялаштириладиган турли лойиҳаларда тенг ҳуқуқлик, ҳамкорлик асосида қатнашиш, талабалар ва ўқитувчиларни ўзаро академик алмаштириш учун янги имкониятларга эга бўлмоқдалар.

Тизимнинг умумий асослари Болонья шаҳрида имзоланган декларацияда ўз ифодасини топган. Улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Диплом иловасига кўра фуқароларни ишга самарали жойлаштириш, Европа олий таълим тизимининг халқаро рақобатга бардошлилигини ошириш имкониятини яратадиган ўзаро мувофиқ келувчи академик даражалар тизимни қабул қилиш.

2. Икки цикли: тайёргарлик ва битирув таълимига ўтиш. Таълимнинг биринчи цикли уч йил давом этади. Иккинчи цикл эса магистрлик ва докторлик даражаларини олиш учун йўналтирилади.

3. Кенг кўламда талабалар алмашинувини қўллаб-қувватлаш учун машаққатли синов бирликларини қайта топширишнинг Европа тизимига ўтиш. Мазкур тизим талабаларнинг ўрганиладиган фанларни танлаш ҳуқуқига эга бўлишлари учун имконият яратади. Бунинг учун асос сифатида “Умр бўйи таълим олиш” концепцияси доирасида қўллаш имконини берадиган тизим - ЕСБТ (Европа синов бирликлари тизими) ни қабул қилиш таклиф этилади.

4. Ўқитувчилар алмашинувини ривожлантириш. Европа ҳудудида ишга сарфланадиган вақт даврини инобатга олган ҳолда ўқитувчилар ва б. ходимлар алмашувини кенгаштириш. Трансмиллий таълим стандартларини ўрнатиш.

5. Ўзаро мос мезон ва методологияларни ишлаб чиқиш ҳамда сифатини таъминлашда Европа ҳамкорлигини қарор топширишга кўмаклашиш.

6. Олий таълим муассасасининг таълим сифатини назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва олий ўқув юртлари талабалари ва ходимлари фаолиятини ташқи баҳолашга тортиш.

7. Олий таълимда, айниқса, ўқув режаларини такомиллаштириш, олий таълим муассасалариаро ҳамкорлик, талаба ва ўқитувчилар алмашинуви ва биргаликдаги таълим дастурлари, илмий тадқиқотларни ўтказишга оид амалий тайёргарлик ва уларни олиб бориш борасида зарур европача нуқтаи назарларнинг шаклланишига кўмаклашиш.

Декларацияга аъзо бўлиш учун қуйидаги дастлабки талаблар қўйилади:



- олий ўқув юртигача 12 йиллик таълим; - икки босқичли олий таълим-бакалавриат ва магистратура;

- ўқув жараёни ва ўқитиш натижаларини баҳолаш ECTS кредит технологияси асосида ташкил этилиши Болонья декларациясига аъзо давлатларда таълим модул-кредит тизимига асосланади.

1989 йилда Европада Европа ҳамжамиятининг ERASMUS (European Community Action Scheme for mobility of University students) ва TEMPUS каби дастурлар жорий этилди. 2001 йилда 29 та Европа давлатлари таълим вазирлари томонидан Болонья декларацияси имзоланди.

Айни ўринда айтиб ўтиш зарурки, кредитлар аудитория соатлари билан чегараланиб қолмай, балки талабанинг аудиториядан ташқари шароитда ҳам ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш учун сарфлайдиган юкломани ҳам инобатга олган ҳолда белгиланади. Одатда ўқув режасига киритилган фанлар бўйича ажратиладиган кредитлар сони 3 га тенг. Баъзан ўқув фани учун ажратилган кредит сони 3 тадан кўп ёки кам бўлиши мумкин. Кредитлар барча (мажбурий ва ихтиёрий) танланган ўқув фанлари бўйича тақсимланади. Кредитларнинг тақсимланишида фан бўйича курс лойиҳалари ва амалий ишларининг мавжудлиги иноатга олинади. Ўқув фани учун ажратиладиган кредитлар миқдори фаннинг мураккаблиги ҳамда талабалар томонидан унинг ўзлаштирилишига боғлиқ бўлади. ECTSда кредитлар йиғиндиси семестрда – 30 тани, ўқув йили давомида – 60 тани, бакалавриат даврида эса – 240 ни ташкил этади. ECTS кредит технологиясига ўтишдан кўзланган мақсад талабаларга хорижда ўқишни давом эттириш учун олий юртини танлашда шарт-шароит яратиш; муайян давлатдаги мавжуд таълим олиш муддатининг хорижий давлатларда тан олинишини таъминлаш; Европа олий ўқув юртлари ўқув режаларини ўрганиш ва шу асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш; талабалар қобилиятини тўла ривожлантириш ва ўқитишнинг юқори натижаларига эришиш.

Модул-кредит тизими ҳам муайян тамойилларга таянади. Улар:

1. Transferancy – ECTS тизимига хоҳлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиқсиз киришига шарт-шароит яратиш. Ушбу шарт-шароит кучли ахборот тарғиботи воситасида яратилади, унинг натижасида умумий янгилик, аниқлик ва очиқлик муҳити шакллантирилади. Ахборот тарғиботи қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) алмашиш схемасига киритилган талабаларнинг ўқиш натижалари ҳақида бир-бирига ўз вақтида ахборот етказиб туриш;

2) олий ўқув юртларининг ўз ахборот пакетлари билан мунтазам алмашиб туришлари, таълим хизматлари доирасида бир-бирини имкониятларини ўрганиш;

3) олий ўқув юртларида, ECTS ҳақида тўла маълумотларнинг мавжудлиги.



2. Agreement – талаба билан иккала олий таълим муассасасининг ECTS координаторлари орасида тайёрлаш мазмуни, ўқув тартиби ва муддатлари, аттестация тадбирлари, ўқув режаларидаги фарыни бартараф этиш тартиблари ҳақида ўзаро келишувларини англатади.

3. Credits – Host (талаба қабул қиладиган) университетиде муваффақиятли ўтилган барча фанлар Post (талабани бошқа ОТМга юборган) университетда ҳисобга олиниши зарур.

4. Таълимнинг инсонпарварлашуви – шахснинг турли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириши ва таълим жараёнида инсон қобиятининг очилишини англатади. ECTS таълимни давом эттириш учун олий таълим муассасасини, ўқув фанларини ва ўқитувчиларни танлиш имкониятини беради.

5. Таълимнинг индивидуаллаштируви ҳар бир талабанинг индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади. Талаба танлови асосидаги фанлар 70 % ни, мажбурий фанлар эса 30 % дан ошмайди. Талабанинг мустақил иш ҳажми 70 % ни, аудиториядаги иши эса 30 % ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар индивидуал таълимни ташкил қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

6. Таълимнинг самарадорлиги гуруҳда индивидуал ўқитишли аудитория машғулотлари ва талабанинг мустақил ишларини уйғунлаштириш орқали таъминланади. Аудитория ўқув вақтининг 70% гача қисмини индивидуал ўқитишга, шунингдек умумий ўқув вақтининг 70%гача қисмини мустақил ишга ажратилиши ўқув фанларининг талабалар томонидан ўз қобилиятлари даражасида ўзлаштиришга имкон яратади. Бу асосида таълимнинг самарадорлиги таъминланади.

Болонья жараёни ягона Европа олий таълими маконини яратиш мақсадида Европа мамлакатлари олий таълим тизимининг бир-бирига яқинлашиши ва ўзаро уйғунлашуви жараёнидир. Ушбу жараённинг расман бошланиш муддати 1999 йилнинг 19 июни деб эътироф этилган. Бинобарин, худди мана шу санада 29 мамлакат вакиллари иштирокида Болонья декларацияси имзоланган эди. Айни вақтда мазкур тизим ўзига 1954 йилда Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган Европа маданияти конвенциясини ратификация қилган (олий давлат ҳокимияти органи тасдиқлаган) 49 мамлакатдан 47 иштирокчи мамлакатларни қамраб олган Болонья декларациясига аъзо давлатларда таълим модул-кредит тизимига асосланади. 1989 йилда Европада Европа Ҳамжамиятининг ERASMUS (European 3 Umarov: A new stage in the development of legal education in Uzbekistan Published by 2030 Uzbekistan Research Online, 2017 Yuridikfanlaraxborotnomasi-Вестник юридических наук-Review of Law Sciences 2 (2017) 25-29 Community Action Scheme for mobility of University students) ва TEMPUS каби дастурлар жорий этилди. 2001 йилда 29 та Европа давлатлари таълим вазирлари томонидан Болонья декларацияси имзоланди. Бугунги кунда ERASMUS дастури бўйича



Европа Ҳамжамияти университетлари ўртасидаги талабалар алмашинуви 145 та олий ўқув юртларини қамраб олган. Улар ўртасида Европа университетлари таълими натижаларини ўзаро тан олиш тизими – ECTS (European Credit Transfer System) шакллантирилган.

7-амалий машғулот: Мақтабгача таълимда кредит-модул тизими моҳияти.

Топширик: Таълим тизимида мақтабгача таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш йўналишлари SWOT таҳлилинини кўрсатинг.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: таълим тизимида мақтабгача таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш йўналишлари SWOT таҳлилинини ушбу жадвалга туширинг.

S	Мақтабгача таълим ташкилотларда илғор инновацион технологиялардан фойдаланишнинг кучли томонлари	янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагогларни тайёрлаш.
W	Педагогик жараённинг иждокори бўлиши кучли томонлари	инновациялардан моҳирона фойдалана олиши.
O	Мақтабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифи (ички)	мазмуни
T	Тўсиқлар (ташқи)	моҳияти.

Кредит-модуль тизими, бу — таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Уни бир бутунликда олиб бориш серқирра ҳамда



мураккаб тизимли жараён дир. Кредит-модуль таъминотида иккита асосий масалага аҳамият берилди: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш; талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Кредит-модуль тизимининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

- ўқув жараёнларини модуль асосида ташкил қилиш;
- битта фан, курс (кредит)нинг қийматини аниқлаш;
- талабалар билимини рейтинг бали асосида баҳолаш;
- талабаларга ўзларининг ўқув режаларини индивидуал тарзда

тузишларига имкон яратиш;

- таълим жараёнида мустақил таълим олишнинг улушини ошириш;
- таълим дастурларининг қулайлиги ва меҳнат бозорида мутахассисга

қўйилган талабдан келиб чиқиб ўзгартириш мумкинлиги.

Юқоридагилар дарс машғулотларини нафақат ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш, балки талабадан мустақил ўқиш-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, зарурий ва чуқур назарий билимларни эгаллаш, амалий кўникмаларини шакллантиришга ўргатишдан иборат дир. Мухтасар айтганда, мазкур тизим талабанинг касбий ривожланиши ва камолотига йўналтирилган. Илм соҳибининг бутун ҳаёти давомида билим олишини таъминлашга ҳамда меҳнат бозори ва замонавий талабларга жавоб бера оладиган инсон капиталини шакллантиришга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим йўналиши ва хориж давлатларида муқобил таълим йўналишларида педагогика фанлари туркумига кирувчи ўқув фанлари ўқитилишининг қиёсий таҳлили

Низомий номидаги ТДПУ (Ўзбекистон)	Москва давлат педагогика университети (МПГУ Россия)	БГПУ им. М. Танка	Озарбажон давлат педогогика университети	Жанубий Козокистон давлат педагогика университети Мактабгача тарбия ва таълим	ERZINCAN BINALI YILDIRIM UNIVERSIT ETI (Туркия) Мактабгача таълим бўлими
Мактабгача педагогика	Введение в специальность	Педагогическая психология в ДОО	Мактабгача педагогика тарихи	Мактабгача таълим ва униқитиш	Таълим фанларига кириш



Мутахассисликка кириш	Социокультурная модель воспитания	Детская психология	Мақтабгача кадрларнинг замонавий педагогик технологиялар ва инновацияларни шакллантириши	Маданий – маърифий маданий – хордик фаолияти	Мақтабгача таълимга кириш
Болалар психологияси	Основа духовно-нравственного воспитания	Психология эффективного родительства	Болалар ҳуқуқлари ва саломатлиги	Мақтабгача таълим ва уқибани хал қилишга тайёрлаш	Ўздак соғлиғи ва илк ёрдам
Мақтабгача таълимда қиёсий педагогика	Психология детей раннего и дошкольного возраста		Оилада миллий тарбия масалалари	Мақтабгача таълимда янада ривожлантириши	Мақтабгача ёшда ривожланиши ва таълим
Мақтабгача таълимда меъёрий асослари	Диагностика психического развития детей	Тарбиявий ишлар методикаси	Педагог ва тарбиячининг педагогик маҳорати	Болаларни ҳуқуқлари ва шакллантириши босқичлари	Психология таълими
Мақтабгача таълимни ташкил этиш ва раҳбарнинг ташкилотчилик маданияти	Воспитание и развитие детей раннего возраста	Қиёсий педагогика	Озарбажонда мақтабгача таълимда ривожланиш тарихи	Болалар билан ишлаш	Болаликда ўйиннинг ривожланиши
Мақтабгача таълимда Педагогик диагностика	Психологическая служба в ДОО	Педагогик конфликтология	Тарбиявий ишлар методикасини ташкил этиш	Мақтабгача педагогика	Ижодкорлик ва ривожланиш
Тарбиячининг касбий компетентлиги ва креативлиги	Создание психологически комфортной развивающей среды в ДОО	Оилавий маслаҳат ва оила психологияси	Болалар меҳнати, дидактик саволларни ташкил этиш	Болаларда ҳулқ-атвори бошқариш	Болаларда ҳулқ-атвори бошқариш



Болаларни мактабга тайёрлаш	Психолого-педагогическая поддержка семейного воспитания	Таълимда менежмент	Мақтаб укув тарбия асослари	Эрта болаликда математикани ўқитиш	Эрта болаликда математикани ўқитиш
Илк қадам дастурининг педагогик жараенига тадбиқ этиш	Подготовка детей к обучению в школе	Оилавий маслаҳат ва оила психологияси	Болалар боғчасида жисмоний тарбия	Мақтабгача таълим ўқитиш дастури	Мақтабгача таълим ўқитиш дастури
	Семейная, социальная и сравнительная педагогика			Боланинг руҳ соғлиги	Боланинг руҳ соғлиги

8-амалий машғулот: Таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги хорижий тажрибалар.

Топширик: Объектларнинг умумий белгиларини топиш. Касбий фаолиятингизга тааллуқли, бироқ, бир-бири билан мутлақо кам боғланган ёки мутлақо боғланмаган 2 та объектни олинг. Қуйидаги жадвал асосида уларга тааллуқли ўзаро ўхшаш жиҳат (белги)ларни топишга ҳаракат қилинг.

Намуна

Бир-бири билан мутлақо кам боғланган ёки мутлақо боғланмаган объектлар	
Педагогик фаолият	Рахбарлик фаолият

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараенини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида:



а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси мувофиқ тасдиқлансин,

б) Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2019 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқлансин,

- халқаро алоқалар натижадорлигини таҳлил қилиб бориш, қўшма дастурлар самарадорлигини баҳолаш, ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, чет эллик профессор-ўқитувчилар ва хориждаги ватандошларни олий таълим тизимига жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида уларни республика олий таълим муассасалари шароитида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш каби қисмлар белгиланган.

Таълим сифатини яхшилаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида давлат олий таълим муассасалари (Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси тизимидаги олий таълим муассасалари бундан мустасно) раҳбар ходимларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқишини бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идорани хабардор қилган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий қилинсин.

Бунда олий таълим муассасаси раҳбар ходимлари томонидан хорижий мамлакатга хизмат сафари олдидан асосий маълумотлар, жумладан мамлакат номи, ташриф мақсади ва режаси, сафар натижалари юзасидан эса олий таълим муассасаси кенгашига амалга оширилган ишлар ва харажатлар тўғрисида тақдим этилган ҳисобот олий таълим муассасаси веб-сайтига жойлаштирилади.

Хорижий мактабгача таълим тизимидаги асосий тушунчалари

<i>Мақтабгача таълим тизимидаги асосий тушунчалар</i>		
Таълим	Тарбия	Педагогик тизим

Хорижий давлатлар сиёсати тавсифини келтириб ўтамиз:

Австралияда хусусий таълим давлат томонидан такрорий ва капитал маблағларни олиш орқали молиялаштирилади. Қайта молиялаштириш умумий грантлар ва талаблар шаклида тақдим этилади. Хусусий мактабларга тўловлар



мактабнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеига боғлиқ бўлган шкаласига асосланган.

Ҳиндистон ҳукумати томонидан хусусий таълимга давлат ёрдами сифатида таълим грантлари шаклида берилади. Масалан: ўқитувчиларнинг иш ҳақини тўлаш шаклида грантлар.

Германия ҳукумати таълимни молиялаштириш, таълим муассасаларини таъмирлаш ва ишга тушириш бўйича шартномалар тузади. Хусусий сектор ҳамкорлари билан мактабларни 15 йил давомида бошқаради.

Америка Қўшма Штатларида таълим муассасалари хусусий ва шартномалар асосида бошқарилади. Хусусий ҳамкорлар энг ёмон ишлайдиган таълим муассасаларини бошқариш учун жалб этилади ва бу ерда таълим олувчилар ўқиш учун тўловларни тўламайдилар. Бундай таълим муассасалари жамоатчиликка қарашли бўлиб, давлат томонидан молиялаштирилади ва хусусий провайдерлар уч йил давомида қўшимча таълим хизматлари кўрсатиш учун шартнома тузишлари мумкин.

Корея Республикасида таълим тизими "Мактабгача таълимни тартибга солиш сиёсати" га асосан бошланғич мактаб битирувчилари ўзларининг яшаш жойларида жойлашган давлат ёки хусусий ўрта мактабларга бириктирилади. Хусусий мактаблар ҳукумат талабларига жавоб бериши лозим, хусусий таълим харажатларининг 95 фоизи ҳукумат томонидан субсидияланади.

Мактабгача таълимни ташкил этиш муаммоси нафақат Ўзбекистон, балки ривожланган Европа мамлакатлари учун ҳам долзарбдир. Россияда мактабгача таълим муаммоси биринчи навбатда, мактабгача тарбия муассасалари-болалар боғчалари етишмаслиги туфайли жуда оғир. Ҳар йили ота-оналар болани болалар боғчасига киритиш учун катта навбат сабабли узоқ вақт кутишади.

Шуниси қизиқки, Европада деярли ҳеч қандай давлат боғчаси мавжуд эмас, асосий қисми – хусусий ва оилавий боғчалардир. Ушбу мамлакатларда болаларни мактабгача тарбиялашни ташкил этиш бизнесга айланган. Ҳозирги кунда Россияда 58 мингта мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларнинг 2 фоизи нодавлат боғчаси. Мактабгача таълим АҚШда кенг миқёсда ишлайдиган даромадли иш бўлиб, хусусий боғчалар ўз хизматлари билан бири-бири билан рақобатлашади. Ўрта даражадаги хусусий боғчалар учун ҳар ойлик тўлов 1200 доллар туради. Фақат камбағал оилаларнинг болалари бепул болалар боғчаларига боришади.

Япония таълим тизими. Япония - жуда тез ривожланаётган давлат бўлиб, бу ҳол асосан японларнинг табиатан меҳнатсеварлик ва ишбилармонлиги билан боғлиқдир. Дунёдаги барча янгиликлар ва юксалишлар сари интилиш, энг сўнгги ютуқлардан фойдаланиш ва уларни янада ривожлантириш - бу япон халқининг азалий миллий одатларига айланиб қолган. Бугунги кунда Япония дунёдаги

барча давлатлар учун очик ва халқаро ҳамкорлик майдонида фаол иштирок этиб келмоқда. Японияда жуда қадимдан халқнинг ақлий имкониятларидан фойдаланувчи фан ва техникани қўллаш сиёсати энг муҳим ўрин тутди. Ҳозирги даврда Япония илмий тадқиқотларга кетган сармоя миқдори бўйича дунёда 2-ўринда туради. Япония таълимнинг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдига 2 вазифани: 1-бойиш, 2- ғарб технологияларини Японияишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўйди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклигини англади.

Германия давлати таълим тизими. Германия Федератив Республикаси 16та мустақил Федератив ерлар (вилоятлар)дан иборат бўлиб, ҳар бири шаклига кўра турлича бўлган таълим тизимига эга. Таълим муассасалари асосан давлат тасарруфида бўлиб, уларучун таълим дастурига тегишли бўлган давлат кўрсатмалари мавжуд. Таълимни жорий қилиш ва бошқариш Федерал ерлар (ФЕ) ҳукуматининг компетенциясига киради, лекин марказ томонидан умумий раҳбарлик ҳам бор: таълим вазирлиги таълим сиёсати концепциясини ишлаб чиқади, ОЎЮларини кенгайтиришга маблағ ажратади. ГФР конституциясига кўра ҳар бир Федерал Ер ўз ҳудудидаги мактаб ва олий таълимни режалаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича ўзи жавоб беришга қарамай, барча Федерал Ерлар ва Федерал ҳукумат умумтаълим ва олий таълим муассасаларида ўқитиш курсларида бирликни таъминлаш 23 мақсадида ҳамкорлик қиладилар. Федерал органлар ва Федерал Ерларнинг таълим соҳаси бўйича сиёсати келишилган: таълимнинг давомийлиги, таътиллар, ўқув дастури, имтиҳонларни ўзаро тан олиш, аттестатлар, мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома, дипломлар, унвонлар шулар жумласидандир.

Жанубий Корея Республикаси кўплаб тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортмоқда, сабаби бу давлат постиндустриал цивилизация ютуқларини эгаллаган Осиё – Тинч океани регионининг ноёб давлатларидан биридир. Кореяликлар бажарилиши шарт бўлган асосий вазифа - ўз анъанавий маданиятини сақлаш, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўз маданий-сиёсий идентивлик, Шарқнинг анъанавий қадриятлари ва ориентирлари билан боғлашга интилиш деб ҳисоблайдилар. Канадаликларнинг энг муҳим ютуқларидан бири - бу уларнинг таълимтизимидир. Илғор университет ва коллежлардаги таълим сифати жуда 28 юқорива Канада дипломлари бутун дунёда тан олинади. Халқаро рейтингда Канадатаълими АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Канаданинг турли провинциялари ўқув режаларида ўзига хосликларкўринадди. Масалан, Квебек, Онтарио, Манитоба мактабгача муассасадамактабга тайёрлаш 2 йил, 4 ёшдан 6 ёшгача, Алберт ва БританКолумбиясида 1 йил. Ўқув йили сентябрнинг биринчи ҳафтасиданбошланади ва июннинг охириги ҳафтасида тугайди. Канада



мактабларидатаълимнинг ўртача давомийлиги 12 йилни ташкил қилади. 6-7 ёшдан болалар бошланғич мактабга қатнай бошлайди ва унда 6 йилтаҳсил олишади. Манитоб ва Онтарио бошланғич мактабларида ўқиш бошқапровинциялардан кўра 2 йил кўп давом этади. 12 ёшдан болалар ўртамактабга ўтишади ва 16-18 ёшгача ўқишади. Квебек провинциясида ўртатаълим 11 синф давом этади, университетда ўқишни хоҳлаганлар эса яна 2 йил коллежга тайёрлов бўлимида ўқишади. 10-12 синфлар High School -олий мактабда олиб борилади. Бу ердаги "олий мактаб" тушунчаси олий таълимга тегишли эмас, у Россиядаги ўрта таълимга ўхшаш. Олий мактабда ўқиш ўрта таълим каби мажбурий эмас. Бу таълим турли учта мураккабликдаги дастур асосида олиб борилиб, ўқувчиларни меҳнат фаолияти билан шуғулланишга, коллежга ёки университетда ўқишни давом эттиришга тайёрлайди. Коллежлар асосан, 2 ёки 3 йиллик дастур асосида, баъзан бакалаврият дастури бўйича таҳсил беради. Улар асосан ўрта махсус таълим тўғрисида диплом ёки сертификат беради. Шу билан бирга, айрим провинциялардаижтимоий коллежлар фаолият кўрсатиб, улар битирувчиларга диплом бермайди. Балки, мактаб ва университет ўртасида ўтиш босқичи бўлиб хизмат қилади.

Бельгия таълим тизими. Бельгиядаги таълим тизими қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Бошланғич мактаб 6-12 ёш.
2. Ўрта мактаб 12-16 ёш.
3. Ўрта касбий мактаб 16-18 ёш.
4. Олий мактаб 18-23 ёш.

Америка Қўшма Штатларида таълим тизимининг тузилиши қуйидагича: - болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари; - 1-8 – синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар); - 9 – 12 – синфлардан иборат ўртамактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат. Америка Қўшма Штатларида навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб, у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда 31 дорилфунунлардир. АҚШда мажбурий таълим 16 ёшгача амал қилади. Бу мамлакатдаги ўқув юртлари давлат, жамоа тасарруфида, хусусий ва диний муассасалар ихтиёрида бўлиши мумкин. Америкада 3 ёшгача бўлган болалар тарбияси билан оналар шуғулланидилар, лекин уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган. 5 ёшдан эса «Киндер гарде» деб аталувчи тайёрлов муассасаларида таълим бошланади. Бошланғич мактаб 6 ёшдан то 13- 15 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бу бошланғич мактабларда умумий саводхонлик ва касбга йўналтириш вазифалари ҳал этилади. Синфдан-синфга кўчиш ўқувчининг ўзлаштирганлик даражасига боғлиқ. Бошланғич таълим турли штатларда турлича белгиланган (4, 5, 6, 8 йил).



Мақтабларда турли хил тўғараклар, учрашувлар, шоулар ва саёҳатлар уюштирилади, аммо уларнинг ҳаммасига ҳақ тўлаш лозим. Ўрта мақтаблар қуйи ва юқори босқичлардан иборат. 9 - синфни битирган талабалар танлов асосида ўрта мақтабга қабул қилинади. Ўрта мақтабларда тўрт йўналишда касб-ҳунар асослари бериб борилади.

- 1 - касб-ҳунар таълими,
- 2 - бизнес таълими,
- 3 - савдо ва саноат таълими ҳамда
- 4-қурилиш таълими.

Олий таълим 4 асосий босқичда амалга оширилади.

1-кичик мутахассис

- 2 йиллик коллежларда амалга оширилади.

2-бакалавр 4 йиллик коллежларда, 4 йиллик коллеж ёки дорифунунни тугатган 3-босқични давом эттириши мумкин. Бу 1-2 йиллик магистр мақтаби. 4 –босқич эса докторантура.

Олий таълимда икки йўналиш мавжуд:

1-таълимни индивидуаллаштириш;

2-талабанинг мустақил ишлашини амалга ошириш. Ўқитувчи йўналтирувчи роль ўйнайди. Асосий мақсад талаба интеллектини машқ қилдириш ва мантиқий фикрлашга ўргатишдир. Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, АҚШ ўрта мақтабларида ўз ўқувчиларига уч йўналишда: академик, касб-ҳунар, умумий йўналишларда билим беради. Айни пайтда ўқувчиларга тўрт йўналишда: қишлоқ хўжалиги, 32 бизнес таълими, савдо ва саноат қурилиши бўйича ҳунар, касб-кор асослари ўргатилади. АҚШда ҳар бир ўқувчига фанлар бўйича олган билимлари жамланган аттестатлар берилади. Коллежларда ўқиш истагида ҳужжат топширган ўқитувчилар юқори ўрта мақтабнинг сўнгги икки йили билимлари ҳажмидакириш тест синовларидан ўтказилади. Ўғил-қизларнинг танлаган касбига лаёқати ва қобилияти ҳам аниқланади. Мақтабларда қўлланилиши мумкин бўлган воситалар электрон ёзув аппаратлари (каллиграфия ва ёзув қоидаларини такомиллаштиришга ёрдам берадиган мосламалар) таълим телевидениеси, қўлда кўтариб юрадиган электрон тил лабораторияси, слайдлар, видеоаппаратуралар, компьютер ва ҳоказолардан иборат.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичиге қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерде (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

“Кейс-стади” методини амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

VI. ГЛОССАРИЙ

Ўзбек тилида	Рус тилида	Инглиз тилида	Изоҳ
Архив хужжатлари	Архивные материалы	Archive documents	Фуқаролар, жамият ва давлат учун маълум аҳамият касб этгани боис сақланиши лозим бўлган матнли, кўлёзма ва машинада ўқиладиган хужжатлар, овозли ёзувлар.
Болалар китоби	Детская литература	Children`s literature	Шахс ва таълимни ривожлантириш, билимларни тарқатишнинг энг муҳим воситалардан бири бўлган нашр тури. Болалар китолари фақатгина ўқиш ва билим олиш манбаи бўлибгина қолмай, балки боланинг эстетик ва психологик тарбиясида муҳим ўрин тутувчи манбадир.
Бошқариш фаолияти	Управленческая деятельность	Management activities	Рахбарнинг педагогик, норматив ва психологик асосларда бошқариш қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишга қаратилган мақсадга мувофиқ хатти- харакатлари мажмуи.
Бюрократия (буйруқбозлик)	Бюрократия	Bureaucrasy	(том маънода- канцелярия ҳукмронлиги; франсузча bureau-бюро, канцелярия ва юнонча-кратос-куч, ҳокимият, ҳукмронлик) Табақаланган бошқарув тизими бўлиб, унинг учун ҳар бир даражада ваколатлар чегарасининг аниқ белгиланганлиги, қарорларнинг мавжуд қонунлар ва қоидаларга биноан қабул қилиниши хосдир.
Генофонд	Генофонд	Genefond	Генлар захираси; турли генларнинг тарқалиши, уларнинг нисбий миқдор ва таркибий сифати; муайян организмларнинг тарқалганлиги. Ирсий белгиларни ўрганиш ва аниқлаш инсон генетикаси, жониворлар ҳамда ўсимликлар генетикаси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда



			генофондни сақлаш муаммоси дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун долзарб муаммога айланган.
Гигиена	Гигиена	Hygiene	Яшаш тарзи ва меҳнат шароитининг инсон соғлиғига таъсирини ўрганадиган, касалликларни профилактика қилиш, соғлиқни сақлаш ва ҳаётни узайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқадиган қадимий тиббиёт соҳаларидан бири.
Дидактик ўйинчоқлар	Дидактик ес-кие игрушки	Didactic toys	Болаларнинг ақлий ва сенсор ривожланиши ва таълим олишида хизмат қиладиган ўйинчоқлар тури. Бундай ўйинчоқларга мозаикалар, стол устида ўйналадиган ва босма ўйинлар, халқ ўйинчоқлари (матрёшкалар, пирамидалар, рангли шарлар, хуштаклар, чиллаклар) киради.
Ёш гуруҳи	Младшая группа	Younger group	Ёш белгисига кўра бирлаштириладиган кишиларнинг бирон бир шартли катта гуруҳи. Ёшни даврлаштиришга мувофиқ МТМда болаларнинг ёшига кўра анаънавий ажратиладиган гуруҳлар: ясли ёшдаги болалар гуруҳи, биринчи кичик ёшдаги болалар гуруҳи, иккинчи кичик ёшдаги болалар гуруҳи, катта болалар гуруҳи ва мактабга тайёрлов гуруҳи.
Инклюзив таълим	Инклюзивное образование	Inclusive education	Болаларни бир биридан ажратувчи тўсиқларни бартараф этишга, уларнинг ёши, жинси, диний ва ижтимоий келиб чиқиши, жисмоний ва ақлий ривожланишдан орқада қолиши ва иқтисодий таъминланганлик даражасидан қатъий назар, умумтаълим жараёнига тўлиқ уйғунлаштиришга қаратилган давлат сиёсати.
Истеъдод	Талант	Talent	Қобилиятлар, иқтидорларнинг юқори даражада ривожланганлиги бўлиб,



			ижодий фаолият турларида намоён бўлади.
Касбий фаолият	Профессиональная деятельность	Professional activity	Бирон нарсанинг бажарилишининг мураккаб ва меъерий жиҳатдан белгиланган усули. Меҳнат субъекти фаолиятининг сифат жиҳатдан белгиланадиган шакли. Инсон бажараётган фаолиятнинг мураккаблигини тавсифлайдиган мезон.
Мактабгача болалик	Детский дошкольный период	Preschool period	Боланинг туғилганидан то мактабга боргунча бўлган ривожланиш даври; бола организмнинг жадал вояга етиши ва руҳиятининг шаклланиши билан белгиланади.
Мактабгача ёш	Дошкольный возраст	Preschool age	Боланинг руҳий ривожланиш босқичи. Бола ривожланишининг ҳозирги замон миллий даврлаштирилиши бўйича 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даври.
Мактабгача ёшдаги бола компетентлиги	Компетенция ребенка дошкольного возраста	Preschool child competence	Мактабгача ёшдаги бола шахсининг асосий характеристикаси. Коммуникатив, ижтимоий, интеллектуал компетентликни ҳамда жисмоний ривожланиш борасидаги компетентликни ўз ичига олади. Коммуникатив компетентлик боланинг ўз истаклари, ниятларини нутқий ва нутқий бўлмаган (имо-ишора, мимик ва пантомимик) воситалар ёрдамида эркин ифода этишида намоён бўлади.
Мактабгача таълим муассасалари	Дошкольные образовательные учреждения	Preschool educational institutions	Турли йўналишдаги мактабгача таълим дастурларини амалга оширадиган таълим муассасаси. Уларда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг тарбияси, таълими, парвариши ва соғломлаштирилиши таъминланади. Йўналишига кўра мактабгача таълим муассасаси қуйидаги турларга бўлинади: умумий типдаги МТМ,



			тарбияланувчиларнинг жисмоний ва рухий ривожланишида нуқсонлари мавжуд болалар учун мўлжалланган махсус МТМлар ва сурункали касалликлар билан оғриган болалар учун санатория типдаги МТМлар.
Мақтабгача таълим муассасаларнинг вазифалари	Задачи дошкольного образовательного учреждения	Tasks of a preschool educational institutions	ушбу муассасаларнинг вазифалари: болалар ҳаётининг муҳофазасини, уларнинг интеллектуал, жисмоний ва шахс сифатидаги ривожланишини таъминлаш учун унинг оиласи билан алоқа ўрнатиш.
Мақтабгача таълим муассасасининг моддий-техника базаси	Материально-техническая база дошкольного образовательного учреждения	Material and technical base of a educational institutions	Муассаса балансида турган асосий воситалар мажмуи (бино, ховли, кўшимча қурилмалар, коммуникatsiya, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар).
Мақтабгача таълим муассасасининг ривожланиш концепцияси	Концепция развития образовательного учреждения	educational institution development concept	Мақтабгача таълим муассасасининг келгусидаги ривожини белгилаб берадиган бош ғоя; инновatsion жараёнлар натижасида унинг янгиланишига қаратилган чора тадбирлар мажмуини амалга оширишнинг етакчи тамойили.
Миллий анаъналар	Национальные традиции	National traditions	Миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар, хусусиятлар, қадриятлар, фаолият турлари, одатлар ва хислатларнинг авлоддан авлодга ўтиши ҳамда мерос бўлиб қолишини ифодаловчи тушунча.



Нодавлат нотижорат ташкилот	Негосудар с-твенная некоммер- ческая организац ия	Non- governme ntal non- profit organizati on	Жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни ўз қатнашчилари ўртасида тақсимлайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти.
Оилавий муҳит	Семейная обстановк а	Family envirome nt	Оилавий муносабатлар, тарбиявий жараёнлар кечадиган ижтимоий-маънавий, ахлоқий муҳитни ифодаловчи тушунча. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавияти, дунё қараши, тасаввур ва эътиқодини шакллантириш ҳамда юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Инсон қалби ва онгидаги энг соф, покиза туйғулар, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлар, энг аввало оила бағрида шаклланади.
Олий таълим	Высшее образован ие	Higher education	Турли олий даргоҳларда олий малакали мутахасислар тайёрлаш олий ўқув юртлари томонидан халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг турли соҳалари бўйича олий малакали мутахасис бўлишни истаган, ўрта махсус ёки касб хунар таълимини олган ҳамда тегишли талабларни бажарган кишиларга илмий назарий билим бериш ҳамда муайян кўникмаларни шакллантириш йўли билан амалга оширилади.
Тарбияла- нувчилар	Воспитан- ники	Pupils	Мактабгача тарбия муассасаларига борадиган болалар; меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб интернатларда тарбияланувчи болалар ва ўсмирлар мактабдан ташқари муассасаларда шуғулланадиган болалар.
Тарбиячи	Воспита тель	Educator	Тарбияни амалга оширадиган , ўзга киши шахсининг ҳаёт тарзи ва



			ривожланиши учун масъулиятни ўз зиммасига олган шахс.
Таълим муассасаси -ни бошқариш	Руководствоб образованийным учреждением	Educational institution guide	Фаолият субъектларининг алоҳида фаолияти бўлиб, у режалаштириш, ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш воситасида болалар, педагоглар, ота-оналар, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳамкорликдаги фаолиятининг таълимни такомиллаштириш ва таълим муассасасини ривожлантириш мақсадларига йўналганлигини таъминлайди.
Таълим сифати	Качество образования	The quality of education	Таълим жараёни ва унинг натижаларини тавсифлайдиган категория, таълим жараёни қандай бўлиши керак, қандай мақсадларга хизмат қилиши кераклиги тўғрисида жамиятда тарқалган тасаввурларга қанчалик мослигини белгилайди. Таълим сифати таълим олувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмалари, атроф-оламга ва бир бирларига нисбатан қадрий-эмоционал муносабатлар нормалари билан ўлчанадиган кўрсаткичлар тизимида ифодаланади.
Фармон	Указ	Decree	Бирқатор мамлакатларда давлат бошлиғининг норматив акти. Ўзбекистонда Президент фармони.



VII. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
8. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
9. “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли Фармони.
10. “2017-2021 йилларда мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли Қарори.
11. “Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли Қарори.
12. “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли Қарори.
13. “Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сонли Қарори.
14. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига



бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

15. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

16. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

17. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

Махсус адабиётлар.

18. Раҳимов Ш. Асосий вазифа – болаларни таълимга қамраб олиш.// “Мақтабгача таълим” журнали, 3-сон, 2017. 2-3 бет.

19. Қуронов М. Болам бахтли бўлсин, десангиз...: ота-оналар учун. – Т.: Маънавият, 2013. – 320 б.

IV. Интернет сайтлар

20. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

21. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

22. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.

23. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet

24. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.